Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети • Обунанинг 1 сўм 50 тийин. Сотувда — 3 сўм.

1992 йил 5 декабрь, шанба № 240 (21.338).

БМТ Бош котиби Бутрос ҒОЛИЙ:

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИК БАРҚАРОР БЎЛИБ ТУРИБДИ...

МАМЛАКАТ ПРЕЗИДЕНТИГА МАКТУБЛАР

Ассалому алайкум!

Азиз Президентимиз! Аввало, биз, жанговар санъаткор аёлларнинг қалбимиз тўла миннатдорлик туйғуларимизни қабул этгайсиз. Кўнгил — нозик дейдилар, айниқса, аёллар кўнгли. Шунинг учун, Сиз кўрсатган ва кўрсатаётган марҳаматингиз бизларнинг ўксик кўнгилларимизни тоғдай юксалтириб юборди.

Биз теран англаб турибмизки, Сиз кеча-ю кундуз тиним билмай, орому ҳузурдан кечиб, халқимизни, жумҳуриятимизни осойишталик, тинчлик йўлидан бошлаб бораяпсиз. Бу — безовта-ю бесаранжом дунё ичида ташқи ва ички сиёсатни маҳорат билан уйғунлаштириб бошқариш деган гап. Ў эса раҳбардан катта матонат, мардлик, донолиқни талаб этади.

Ана шундай долзарб бир пайтда ҳарбий-ватанпарварлик бадиий дастамиздан ҳам эътиборингизни дариғ тутмаганингиз бизни жуда қувонтириб юборди. Дарҳақиқат, биз ўзбекистонлик санъаткорлар иккинчи жаҳон уруши йиллари бригадаларга бўлинниб, кўнгилли равишда фронтга жўнаган эдик. Мақсадимиз концерт дастурларимиз билан жангчиларимизга куч-қувват бағишлаб, фашист босқинчилар устидан тезроқ ғалаба қозонилишига ҳисса қўшиш эди. Мен бош бўлган 17 кишилик гуруҳ ўзбек аёллари, қизларидан таркиб топган эди. Улар орасида ҳали ота-онасининг меҳрига тўйиб улгурмаган, ёшликнинг гаштини сура олмаган 13—14 яшар қизалоқлар ҳам бор эди. Биз уруш давомида беш марта сафарга чиқиб, фронтда жами 1200 та концерт қўйдик. Бир ярим йил жангу жадалларда аскарлар билан бирга бўлдик. Бу, шубҳасиз, гуруҳимиздаги хотин-қизларнинг жасорат намунаси эди. Ҳаракатдаги Армияда бўлганлигимиз тўғрисидаги ҳужжатлар шундан далолат бериб турибди.

Ижодий дастамиз урушдан кейинги тинчлик даврида ва шу кунларда ҳам фаолиятини сусайтиргани йўқ. Аммо унга бўлган эътибор пасайиб қолган эди. Бизларни ҳам Улуғ Ватан уруши қатнашчилари сафига қўшишларини сўраб аввалги раҳбарларга бир неча марта мурожаат қилдик. Лекин самарасиз бўлди. Ҳатто М. С. Горбачёвга ва МДҲ қўшинларининг ҳозирги Бош қўмондони Е. И. Шапошниковга ҳам дардимизни баён этдик. Натижа бўлмади.

Худога минг қатла шукурки, республикамиз мустақил бўлгач, Сизнинг ёрдамингиз туфайли мақсадга эришдик. Бадиий дастамиздан 13 кишига «Улуғ Ватан уруши қатнашчиси» гувоҳномалари топширилди. Даста қатнашчилари қадр-қимматлари ўрнига қўйилганидан чексиз миннатдор бўлдилар. Республикамиз мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан дастамизнинг барча санъаткорлари «Мустақиллик» нишонига сазовор бўлгандан бошимиз кўкка етди. Бу биз, кекса ва жанговар санъаткорларга билдирилган юксак ишонч ва ҳурмат белгисидир.

Ҳозир республикамиз машаққатли ва мураккаб йўлни босиб ўтмоқда. Бу йўл ҳаммамиздан бирликни, ҳамжиҳат бўлиб яшаш ва меҳнат қилишни тақозо этади. Иншоолло, шу ишлар яхши боряпти. Бизнинг камтарона санъатимиз ҳам шу улуғ йўлда сафарбар эканини сизга яна бир бор изҳор этишдан бахтиёрмиз.

Муҳтарам Президентимиз! Биз, Зебо Ғаниева номидаги ҳарбий-ватанпарварлик бадиий дастаси санъаткорлари, Сизни ишонтириб айтамизки, жумҳуриятимиз Армиясини шакллантириш, сарҳадларимизнинг содиқ соқчилари бўлмиш ажойиб фарзандларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек улуғ ишга бундан буён ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшаверамиз. Илоё умрингиз узоқ, йўлингиз равшан, бахту толе ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Гавҳар РАҲИМОВА,
1941—1945-йиллардаги Улуғ Ватан урушида ўзбекистонлик фронт концерт жамоалари шўъбаси раиси, Зебо Ғаниева номидаги бадиий даста раҳбари, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти.

Авваламбор, ассалому алайкум, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Жиззах шаҳрида атоқли давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Ш. Рашидовнинг 75 йиллик юбилейида сўзлаган сермазмун нутқингиз шарофати билан Сизга ушбу мактубни ёзмоқдаман. Мен Қашқадарёда ишлаганимда «Пахта иши» сабабли жабр тортган одамларнинг оила аъзолари, фарзандларини кўрдим, кўпларининг хонадонида бўлдим, деганингизда кўз олдимда ўша машъум, қаттол 1986 — 1990-йиллар қайта намоён бўлди. Чунки беш болам билан оилам, 75 ёшли онам сизнинг қабулингизда бўлишганида уларга: «Фарзандингиз, оталарингиз, албатта, оқланади, иши қайта кўриб чиқилади», деб далда бергансиз. Мана, бугун орзулар ушалиб, сизнинг метиндек иродангиз туфайли 1991 йилда бутунлай оқландим.

Мен Шаҳрисабз туманига қарашли Ленин номидаги (ҳозир Ғани Бобоёров номида) жамоа хўжалигида 1978 йилдан 1985 йилгача бош иқтисодчи бўлиб ишладим. 1986 йил 17 апрель куни менга «Пахта иши» бало-қазодай ёпишиб, 10 йил қамоқ жазоси белгиланди. 1989 йилда озод қилиндим. Колхозга қайтиб ўз ихтисосим бўйича иш сўрганимда, ҳали оқланмаганим учун иш берилмади. Шундан сўнг 7-пахтачилик бригадасини сўраб олдим. Колхозчилар билан бирга қилда баҳоли қудрат ишга киришдик. Иқтисодчи бўлиб ишлаган давримда тўплаган тажрибам қўл келди. 1990—1992-йиллари бригадамизда пахта тайёрлаш режалари колхозда биринчи бўлиб уддаланди. Ҳосилдорлик ҳам хўжаликда энг юқори бўлди. Айниқса, бу йилги об-ҳаво қийинчиликлари сабабли чигит уч марта қайта экилишига қарамасдан, йиллик режани 27 иш кунида бажариб, ҳосилдорликни қарийб, 40 центнерга етказдик. Бригадамиз колхоз ва туманнинг якин 30 йиллик тарихида илк марта 3 гектар майдонга шоли экиб, 7,5 тонна дон олди. Шунинг 2,7 тоннаси бригада аъзоларига тарқатилди. Пахта харид нархининг ошгани туфайли режадан ортиқ сотилган 70 тонна учун ва режага қўшимча 15 фоиз пахта эвазига 3,5 миллион сўмга яқин қўшимча мукофот пули олишни мўлжалламоқдамиз.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич! Менга ўхшаган минглаб кишиларнинг номи умрбод қора бўлиб қолиши мумкин эди. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, ўзбек халқининг бахтига сиз бор экансиз.

Сизга ўзим, оила аъзоларим, қариндошларим, сафдошларим, бригадамиз аъзолари номидан минг-минг раҳмат! Ўзбек халқининг бахтига доимо соғ ва омон бўлинг!

Раззоқ МАҲАТОВ,
Шаҳрисабз тумани Ғани Бобоёров номидаги жамоа хўжалигининг 7-бригадаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВга Ўзбекистон Енгил саноат давлат уюшмаси корхоналари фаолларининг МУРОЖААТИ

ҚАДРЛИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ!

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси муҳокама қилинадиган Олий Кенгаш сессияси бошланиши арафасида биз Сизга кўп қирралари ва улкан меҳнатингиз учун, Сизнинг донолигингиз ва ички ҳамда ташқи сиёсатни тўғри танлаганингиз учун миннатдорлик ҳис-туйғулари билан мурожаат этмоқдамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг хўжалик юритиш бозор усулларига аста-секинлик билан оҳиста ўтиш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Сиз турли лавозимларда ишлаган чоғларингизда ва ҳозир ҳам тез-тез корхоналаримизга келиб, ишлаб чиқариш муаммоларини чуқур ўргандингиз. Сизнинг билимларингиз ва бой тажрибангиз меҳнат жамоаларига хом ашё, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш даражасини оширишдаги танг жойларни бартараф этишда ва асосий фондлар самарадорлигини юксалтиришда ёрдам берди.

Сизнинг инсоний билимлар кўпгина соҳаларига оид билимдонлигингиз ва ақл-заковатингиз ҳамда тармоқларнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ижтимоий масалаларни ҳал этиш стратегиясини танлашга моҳирона ёндошишингиз Ўзбекистон Республикасининг мустақил ва суверен давлат сифатида тинч ва самарали йўллар билан оёққа туришига кўмаклашди.

Сизнинг ташаббусингиз билан енгил саноат тизимида бошқарувнинг янги усуллари жорий қилинди. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси ташкил этилди. Бизларга берилган йўналишлар ва Сизнинг ёрдамингиз туфайли ишлаб чиқаришни, айниқса, тўқимачилик саноатини техник даражасини тубдан ўзгартириш дастури амалга оширила бошланди.

Бу йил биринчи марта енгил саноатни ривожлантириш тарихида жаҳон андозаларига мос бўлган энг йирик Тошкент, Бухоро ва Андижон тўқимачилик комбинатларининг технологияси ва ишлаб чиқариши қайта қурила бошланди.

Йирик хорижий фирмалар билан амалий алоқалар ўрнатилди. Қўшма корхоналар ташкил этила бошланди. Ўзбекистон енгил саноати ўз имкониятларини жадал суръатлар билан ошириш, маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни ҳам ички, ҳам жаҳон бозорларига чиқариш учун реал имкониятларга эга бўлди. Республикада пахта толасини қайта ишлашни икки баравар кўпайтириш учун қувватларни жадаллик билан бунёд этиш замини яратилди.

Сиз бизларни тармоққа раҳбарлик қилиш ҳамда иш услубларига бутунлай янгича ёндошишга йўналтирдингиз. Буларнинг ҳаммаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларининг кўпгина корхоналари билан хўжалик алоқалари узилганлиги туфайли рўй берган қийинчиликларга қарамай корхоналарнинг бир меъёрда ишлашига самарали таъсир кўрсатди. Натижада шу йилнинг ўн бир ойи якунларига кўра, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари 115,3 фоизни ташкил этди.

Сизнинг тармоқ ходимлари ва уларнинг оилаларини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш борасидаги йўл-йўриқларингиз бажарилди. Ҳозирги пайтда ҳар бир ишловчи ҳисобига олинадиган ўртача даромад 7 минг сўмни, етакчи касб эгаларининг даромади эса 12 минг сўмдан кўпроқни ташкил этмоқда.

Сизнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобингиз бизларга ўз ишимизни таҳлидий мулоҳаза этишга ва янги зарур йўналишларни жорий қилишга ёрдам берди. Биз Сизнинг қишлоқни устивор даражада ривожлантириш юзасидан берган тавсияларингиз фақат озиқ-овқат маҳсулотлари муаммоларини ҳал этишгина қолмай, айни пайтда тармоғимизга аъло сифатли хом ашё барқарор етиштириб берилишига кўмаклашишни тушуниб олдик. Бу — халқ истеъмоли моллари бир меъёрда ишлаб чиқарилади ва тармоқ янада ривожланади, демакдир. Сизнинг: «Ҳамма нарса қишлоқ учун ва қишлоқ — саноатига» деган бош йўлингиз ўзбек халқининг ва мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига олиб боради, албатта.

Енгил саноат меҳнат жамоалари Сизни мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сифатидагина эмас, балки Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча кўп миллатли оилаларнинг, ўз куч-ғайратини халқлар фаровонлиги ва бахт-саодатига бағишловчи меҳрибон ота сифатида ҳам биладилар.

Тармоқ меҳнат жамоалари номидан Сизнинг сиёсатингизни ва давлатимизни иқтисодий-ижтимоий ва маънавий жиҳатдан тараққий эттириш юзасидан танлаган йўлингизни биз қизғин қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Сизни тармоқ иши сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилади ва тармоқ ходимлари халқимиз фаровонлигини юксалтиришда ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса қўшадилар, деб ишонтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси шахсан Сизнинг раҳбарлигингизда жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашига имонимиз комил.

Сизга, қадрли Ислом Абдуғаниевич, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон халқлари фаровонлиги йўлидаги машаққатли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Қадрдон Президентимиз, танлаган йўлингиздан дадил олға бораверинг!

Б. Қ. ЭРГАШЕВ, «Тошкент тўқимачилик комбинати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; А. А. ТОШПЎЛАТОВ, Тошкент «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Х. А. АКБАРОВ, Тошкент «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; М. М. ХЎЖАЕВ, Тошкент «Паризод» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Р. М. ҒУЛОМОВ, Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; С. С. ХЎЖАЕВ, Тошкентдаги 1-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; А. К. НЎЪМОНОВ, Тошкент «Орзу» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош кўнчилик- атторлик ва спорт моллари директори; А. А. АБДУРАҲМОНОВ, Тошкент «Ўзбекистон» чарм-пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Б. В. ҲАСАНОВ, Тошкент «Учқун» тўқимачилик-атторлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Т. Т. АЗИМОВ, Тошкент чарм-мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; И. С. АҲАДЖОНОВ, Тошкент «Садаф» фурнитура ва технология жиҳозлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Г. И. ИБРОҲИМОВ, республика тикувчилик саноати маҳсулот пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори; Д. Л. НУВАЗОВ, Чирчиқ «Ғунча» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Т. Н. ЛЮКШИНА, Чирчиқ НОРОВ, Янгийўл пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Ҳ. Р. РАҲИМОВ, Самарқанд шойи газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; И. АҲМЕДОВ, Хива гилам тўқиш комбинати бош директори; Т. И. ИСМОИЛОВ, Фарғона ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори; Ф. Н. РАҲМАТУЛЛАЕВ, Тошкент чинни заводи директори; Корхоналар номидан: Б. Ш. ЗОҲИДОВ — Тошкентдаги Охунбобоев 2-пойабзал фабрикаси; В. А. МИРЗАМУҲАММЕДОВА — Тошкентдаги номли бош кийимлар фабрикаси; К. З. ҚОРАБОЕВ — республика пойабзал моделлари уйи; З. Қ. БОЛТАБОЕВА — республика трикотаж буюмлари моделлари уйи; М. А. МАМАЖОНОВ — енгил саноат марказий конструкторлик-технология ва лойиҳалаш бюроси; А. АҲМАДАЛИЕВ ва М. КАРИМОВ — Андижон ҳамда Наманган енгил саноат корхоналари.

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан кўп йиллик ҳалол меҳнати, ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ»

Мўминов Теша Ҳусаинович — Ҳамза номидаги давлат академик театрининг актёри, Тошкент шаҳри.

Ҳамидов Рустам Муҳсинович — Ҳамза номидаги давлат академик театрининг бош режиссёри, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ»

Жамол КАМОЛ — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абдуқодиров Ҳалилжон Ҳамиджонович — Навоий номидаги академик опера ва балет театрининг хонандаси, Тошкент шаҳри.

Аҳмедов Файзулло Турғунович — Мукимий номидаги театр актёри, Тошкент шаҳри.

Низомутдинова Фильруда — «Баҳор» ансамблининг репетитори, Тошкент шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Дадажонова Дилшодахон — Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР»

Аҳметов Ҳакимжон — қурилаётган бинолар ва иншоотлар бирлашгаи дирекциясининг директори, Тошкент шаҳри.

Саркисов Александр Суренович — ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи, Тошкент шаҳри.

Чечина Лариса Александровна — «Главташкентстрой» 12-трести бошқарувчисининг ўринбосари.

Бир гуруҳ ўртоқлар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

ЯКДИЛЛИК БИЛАН

Кеча Ўзбекистон Енгил саноат давлат уюшмаси корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси қизғин ва мазмунли муҳокама қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари бу тарихий ҳужжатнинг лойиҳасини бир овоздан маъқулладилар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Мурожаатнома қабул қилдилар.

СУРАТЛАРДА: енгил саноат корхоналари раҳбарлари ва мутахассисларининг йиғилишидан лавҳалар.
В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

КОНСТИТУЦИЯ ЛОЙИҲАСИ— ПЛЕНУМЛАР МУҲОКАМАСИДА

Нукус. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика Кенгашининг пленумида Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда Қорақалпоғистон Республика партия кенгашининг котиби С. Қутлимуродов маъруза қилди.

Маърузачи ва музокарада қатнашганлар Конституция лойиҳаси республикада катта манфаатдорлик билан ўрганилиб, кўплаб аниқ-равшан таклифлар билдирилаётганинг таъкидладилар.

Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Йўлдошев, унинг биринчи муовини, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгашининг Раиси Д. Шамшетов, Қорақалпоғистон Республика партия кенгашининг биринчи котиби А. Асанов қатнашдилар.

* * *

Урганч. Бу ерда Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлди. Унда Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу масала юзасидан ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Ғ. Машарипов маъруза қилди.

Конституция лойиҳаси жойларда катта қизиқиш билан муҳокама этилаётгани таъкидланди. Барча район, шаҳар партия кенгашларида, 860 дан зиёд бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида муҳокама ўтказилди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан А. Володарский вилоят партия кенгаши иккинчи котиби вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида масъул ходим бўлиб ишлаган Ҳ. Авезов Хоразм вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби қилиб сайланди.

Нукус ва Урганчда бўлган пленумларда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. А. Кочмарик нутқ сўзлади.

* * *

Жиззах. Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми қатнашчилари Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини ҳамда вилоят партия кенгашининг бир йиллик фаолиятини атрофлича муҳокама қилдилар.

Мазкур масалалар юзасидан вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби У. Носиров маъруза қилди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Конституциявий комиссиясининг аъзоси, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов нутқ сўзлади.

Пленумда Жиззах вилояти ҳокими Э. Турсунов қатнашди.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси 1992 йил 8 декабрда соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари 7 декабрь куни эрта билан соат 9 дан то кеч 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ҚАТНАШЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳридан бўлмиш халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши 7 декабрь куни соат 17 да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг кичик мажлислар залида бўлади.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Кеча республикамиз пойтахтида Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган лойиҳаси муҳокамасига бағишланди. Йиғилиш қатнашчилари шаҳар ҳокими А. И. Фозилбековнинг шу тўғрисидаги маърузасини тингладилар.

Муҳокамада сўзга чиққанлар бу муҳим ҳужжат умумхалқ ҳукмига ҳавола этилгандан буён шаҳардаги жуда кўплаб меҳнат жамоаларида катта қизиқиш ва манфаатдорлик билан муҳокама этилганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш қатнашчилари таклиф этилган ўзгартиш ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда лойиҳани маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков йиғилиш қатнашчилари ҳузурида нутқ сўзлади.

Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. В. Умурзоқов қатнашди.

● 7 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг VI пленуми бўлади. Унда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамда Республика Олий Кенгашидаги депутатлар партия гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳаси юзасидан сиёсий нуқтаи назари тўғрисида»ги масала муҳокама этилади.

Газетамизнинг кейинги сонида пленум материаллари билан танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН—ЭРОН:

1. «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШҚИ СИЁСАТИ—ЖУДА ОҚИЛ ВА УДДАБУРОН СИЁСАТ»

Шавкат ЯҲЁЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Эрон Ислом Жумҳуриятига ташрифи минг йилликлар мобайнида Эрон билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстликнинг янги саҳифасини очди.

ЭРОН Ислом Жумҳурияти Президенти Али Акбар Ҳошимий Рафсанжоний жаноби олийлари ва бошқалар шуни алоҳида таъкидлашдики, Ислом Абдуғаниевичнинг Эронга ташрифи жуда катта аҳамиятга эга иш бўлди. Эрон томони Ўзбекистон Президентини кўп вақтлардан буён интиқиб кутганлигини ва бу ташрифга катта тайёргарлик кўрганлигини билдирди. Мустақилликни қўлга киритган Ўрта Осиёнинг энг катта мамлакатларидан бири Ўзбекистон намояндалари беҳад хурсандчилик билан кутиб олиндилар. Ҳақиқатан ҳам орзиқиб кутилган бу ташриф ҳар икки мамлакат муносабатларида янги саҳифа очди, бундан авваллари кўп соҳаларда таркиб топган анъанавий алоқалар янги босқичга кўтарилди.

Президентимиз аэропортда матбуот вакилларига қилган баёнотидаёқ Эрон Ислом Жумҳурияти раҳбарлигининг таклифига биноан расмий ташриф билан меҳмондўст Эрон диёрига келганлигидан бениҳоя мамнун эканлигини билдирди. Самимийлик, қардошлик туйғуси ташрифнинг бошидан-охиригача жўш уриб турди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ва Эрон халқлари қадим қадимлардан буён нафақат яхши қўшнилар бўлиб келишган, балки минг йиллар мобайнида ўзаро мустаҳкам сиёсий, савдо, иқтисодий-маданий ва адабий алоқалар боғлаб келганлар. Ҳар икки халқ ўртасида муштаракликлар жуда кўп. Биз Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихида Президентимиз ташрифи янги саҳифа очди деб, бежиз таъкидлаётганимиз йўқ. Эрон Ислом Жумҳурияти раҳбарлари билан бўлган учрашув икки мустақил давлатнинг кенг доирадаги ўзаро алоқаларига янги омил, янги куч бағишлади. Бунинг учун аввалдан мустаҳкам замин ҳозирланганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Маълумки, шу йилнинг 10 майида ҳар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисида ҳужжат имзоланган эди. 5 ноябрь куни эса Тошкентда Эрон Ислом Жумҳурияти элчихонаси очилди. Мустақил Ўзбекистонда бу элчихонанинг очилиши ўзаро муносабатларимизнинг умрбоқийлигидан яққол далолат эди. Ўзбекистоннинг Эрон билан ўзаро муносабатларида мустақиллик, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик қоидаси устивордир. Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида ҳамиша тинч-тотув яшаш ва хайриҳоҳликни, ўзаро фойдали ҳамкорликни асосий мезон қилиб олдики, бунинг қанчалик яхши бўлаётганини ҳаёт ўзи кўрсатиб турибди.

Эрон ва Ўзбекистонни бир-бирига ҳамкору ҳамнафас қилаётган омиллар жуда кўп. Айтайлик, агар мустақил Ўзбекистонимизда ноёб табиий, иқлим шароитлари шарофати билан бой хом ашё заҳиралари, ривожланган деҳқончилик ва саноат мажмуи мавжуд бўлса ва энг муҳими ғоятда меҳнатсевар ва истеъдодли, иқтидорли халқимиз турмуш кечираётган бўлса, Эроннинг ўз навбатида ривожланган хизмат кўрсатиш тармоқларига эга эканлиги ва бу борада бизга нисбатан илгарилаб кетганлиги яхши маълум. Масалан, уларда автомобиль ва темир йўллар, аэропортлар, Каспий денгизи ва Форс кўрфазидаги денгиз портлари, йирик нефть конлари ҳамда нефть ва газ қувурларининг кенг тармоғи мавжудлиги бизга яхши аён. Эроннинг саноатни бошқаришнинг қатъий марказлаштирилган тизимидан эркин бозор муносабатларига ўтиш йўли билан хўжаликни тиклаш хусусидаги дастури, мамлакатда эркин иқтисодий зоналарни вужудга келтириш ғояси бизда қизиқиш уйғотди.

Ислом Абдуғаниевич ва делегация аъзоларини Эрон раҳбарлари жуда катта хурсандчилик билан кутиб олишганлигининг яна бир боиси, назаримда, шунда эдики, Эрон Ўзбекистон билан имкони борича кенг ҳамкорлик йўлларини очишга ҳозиру нозир мамлакат эканлигини аниқ-равшан намоён қилди. Ва биз ташриф чоғида бунга жонли гувоҳ бўлдик. Буни Эрон Ислом Жумҳурияти билан Ўзбекистон муносабатларида янги босқични очиб берувчи қуйидаги муҳим ҳужжатлар имзоланганлиги яққол кўрсатиб турибди. Ҳар иккала мамлакат ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги баёнотнома, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан Эрон Ислом Жумҳурияти Марказий банки ўртасида битим, ҳар икки мамлакат ўртасида иқтисод, саноат ва фан-техника соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, ҳукуматлар ўртасида савдо-сотиқ ҳамкорлиги тўғрисида битим, транспорт воситасида юк ташиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, ҳаво транспорти қатнови тўғрисида битим, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан Эрон Ислом Жумҳурияти Почта, телеграф ва телефон вазирлиги ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди.

СУРАТДА: учрашув пайти.

Р. ҒАФУРОВ олган сурат.

ИМЗО ЧЕКИЛГАН бу ҳужжатлар ўзаро муносабатларда қанчалик катта аҳамият касб этишини тасаввур этиш қийин эмас. Булар ҳар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни юқори босқичга олиб чиқиши Эрон ва Ўзбекистон олий доиралари томонидан қайта-қайта таъкидланди. Бу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш эндиги асосий вазифадир. Шунга қатъий ишонч билдирилдики, ҳар икки томон ҳам бу вазифаларни амалга оширишга бундан буён жуда катта эътибор берадилар.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг олиб бораётган ташқи сиёсати жуда оқил ва уддабурон сиёсат, деб баҳоланди. Ана шу сиёсат туфайли минтақада тинчлик, осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш йўлида бундан буён ҳам катта ишлар амалга оширилажагига комил ишонч билдирилди.

Айниқса, Эрон банклари вакиллари билан учрашув Президентимизнинг бу соҳанинг қанчалик чуқур билимдони эканлигини яна бир бор кўрсатди. Президентимизнинг умумий тил топа билиш истеъдоди ва республикамизга чет эл сармоясини жалб этиш борасидаги жонкуярлиги тўпланганларда катта таассурот қолдирди. Эрон молия доираларининг вакиллари унинг нутқидан Ўзбекистоннинг иқтисодий куч-қудрати ва уни ривожлантириш истиқболлари ҳақида равшан тасаввур олдилар. Банкларнинг вакилларига Ўзбекистон халқ хўжалиги тармоқларини энергетика, транспорт, ирригация жиҳатларидан таъминлашнинг ривожланган тизимига эгалиги, жумҳуриятнинг саноат ишлаб чиқариш тармоқларидан тортиб тракторлар ва ҳаво кемаларигача ишлаб чиқаришдан иборат ғоятда кенг кўламли эканлиги аниқ-равшан тушунтириб берилди. Шунингдек, республикамиз фойдали қазилмаларининг ғоят бой заҳираларига, иқтисодиётни таъминлаш учун зарур бўлган бошқа хом ашё заҳираларига эга эканлиги ҳам айтилди.

Ўзбекистон олтин қазиб олиш бўйича дунёдаги ўнта пешқадам мамлакат қаторига киради. Кумуш, мис, руҳ, вольфрамнинг бой заҳираларига эга. Пахта етиштиришда қўз ҳозир биз жаҳонда учинчи ўринда турибмиз. Эрон банклари билан алоқа боғлашнинг самарали томони шундаки, биз минг йиллар давомида ҳамкорлик ришталари билан боғланган бу мамлакатга катта умид боғлаяпмиз. Ислом Абдуғаниевич таъкидлаганларидек, айни улар иқтисодий ҳамкорликда республикамизнинг энг асосий шериклари бўлиб қоладилар. Бунда жуғрофий жиҳатдан Эрон Ўзбекистонга яқин жойлашибгина қолмай, шу билан бирга тарихий, маданий ва маърифий илдизларимиз бир эканлиги ҳам алоҳида ўрин тутади. Иккинчи яна бир муҳим омил шундан иборатки, Ўзбекистонимиз иқтисодий муносабатларнинг халқаро миқёсда қабул қилинган меъёрларига риоя эти лишини таъминловчи қонунларни қабул қилди. Ана шу қонунларда хорижий сармоядорларга тўла кафолатлар беришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу билан бирга, республикамиз мамлакатимизга қўйиладиган хорижий сармоялар суғурта қилиниши учун зарур тадбирларни ҳам амалга оширади.

МАЪЛУМКИ, ҳозир биз иқтисодиётни бошқаришнинг бозор воситаларини босқичма-босқич вужудга келтириб, уни чуқур тушуниб оқилона муносабатда бўляпмиз. Пухта ва ҳар томонлама ривожланган иқтисодий тизимни барпо этишда эса банк тизимига алоҳида аҳамият берилмоқда. Президентимиз республикамизда банк тизими нималардан иборат эканлигини Эрон банк вакиллари билан учрашувда батафсил айтиб ўтдиларки, бу уларда жуда яхши таассурот қолдирди. Биз банк ишларини ташкил этишда сизлар тўплаган тажрибани юксак қадрлаймиз ва биламизки, — деди Президентимиз, — мамлакатингизнинг банк тизими минтақадаги энг кўҳна банк тизимларидан биридир. Ўзбекистонимизда банк ишларини йўлга қўйишда, айниқса, халқаро банк операциялари соҳасида сизларнинг техникавий кўмагингиз бизлар учун ғоятда фойдали бўлур эди. Бизнинг банкларимиз ва инвестиция ташкилотларимиз билан янада мустаҳкам муносабатлар ўрнатилиши мамлакатларимиз учун катта наф келтиради, албатта.

Эрон ишбилармонларини, банк вакилларини Президентимиз Ўзбекистон мустақиллиққа эришгандан кейин унинг истиқлол режалари билан қизиқтирдики, бу ҳам уларда жуда яхши акс садо уйғотди. Бу дўстона амалий ва ғоятда фойдали учрашув истиқлолимиз, келажагимиз йўлида қанчалик саъй-ҳаракат қилинаётганлигидан, Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг халқимиз бахт-саодати йўлида асл фидойи инсон эканлигидан ёрқин далолат эди.

(давоми бор).

ТУРКИЯ БИЛАН ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ

3 декабрь куни Тошкентда Туркия йўлдош телефон алоқаси станцияси ишлай бошлади. Бу станция икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида алоқа соҳасидаги аҳдномага мувофиқ барпо этилди.

Станция иш бошлашига бағишланган тантанали маросим бўлди. Станция Тошкентдаги асосий телеминора ёнида жойлашган. Туркиянинг РТТ фирмаси ва Ўзбекистон Алоқа вазирлиги мутахассислари ўрнатган кўпканалли станция Туркиянинг ички космик алоқа йўллари орқали иккала мамлакатдаги муштарийлар билан тез алоқа боғлашга имкон беради. Зарур бўлган тақдирда жаҳондаги бошқа давлатларнинг телефон линияларига чиқиш мумкин.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари К. Н. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

«КАМОЛ»НИНГ КОМИЛ ХИЗМАТИ

Пахтаобод туманида ташкил этилган «Камол» кичик корхонаси шахсий уй-жой қураётганларни анча арзон эшик—ром, бошқа қурилиш материаллари билан таъминлаяпти, эски уйлар томини таъмирлашда кўмаклашяпти.

Бугина эмас, корхонанинг енгил автомашиналарга техника хизмати кўрсатадиган, радио ва телевизор, электрон асбобларни тузатадиган ҳамда созлайдиган устахоналари ҳам қишлоқ аҳолиси оғирини енгил қилмоқда.

Бу ерда ярим йил ичида уч миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. Олинган фойда ҳисобига ёғочни қайта ишлаш цехи, маданий-маиший ва хўжалик моллари дўконлари қурилди.

(ЎзА мухбири).
Андижон вилояти.

Жамият ҳаётида раҳбар кадрларнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Уларнинг босган ҳар бир қадамига қараб бошқа минглаб одамлар қадам ташлайди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ мустақиллигининг бир йиллигини нишонлаганига ҳали кўп бўлганича йўқ. Бир йил! Тарих олдида бу ниҳоятда катта муддат эмас. Агар шу қисқа давр ичида кечган воқеаларни сарҳисоб қилсак, республикамиз тараққиёти ва келажак истиқболи нуқтаи назаридан у беқиёсдир. Шуни тўла ишонч билан айтиш мумкинки, энг муҳими ва асосийси Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат ҳуқуқини қўлга киритди. 130 йиллик мустамлака сиёсатидан сўнг республика тарихида янги давр бошланди. Республика раҳбариятининг катта донишмандлик билан юритган сиёсати туфайли бу жараён нисбатан тинч ва осойишта ўтмоқда. Ўқлар отилмасдан, қон тўкилмасдан халқнинг асрий орзуси ушалди. Эндиликда мустақил Ўзбекистоннинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти узра ҳилпираб турибди. Биз аввалларидек «мустақиллик» сўзини тез-тез ишлатиб турар эдик. «Ҳар бир республика ўзи мустақил», — деган қизил гаплар бўларди. «Республика суверенитети» — деган эслатмалар ҳам йўқ эмасди. Лекин на республика ичкарисида, на мамлакат ташқарисида бу «суверенитет»ни амалда тасдиқлайдиган қонуний битимлар йўқ эди. Эндиликда вазият тамоман бошқача. Бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигини жаҳоннинг 140 дан ортиқ мамлакати тан олиб турибди. 40 дан ортиқ давлатлар билан Ўзбекистон ўз дипломатик алоқаларини ўрнатганлиги ҳақида битимлар имзоланди. Жаҳонга Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, ибн Сино, Улуғбек, Навоийдек даҳоларни, Исмоил Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий каби буюк алломаларни, Амир Темур, Бобур каби оламни ҳайратга солган ҳукмдорларни, Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби саркардаларни берган, қадимий жаҳон маданиятининг марказларидан бири бўлган Туркистонда оғир ўтмишдан сўнг янги давр бошланди. Мустақиллик даврининг пойдевори қўйилди.

Истиқлол даврининг дастлабки босқичи осон кўчмаслигини биз яхши биламиз. Уйғониш даврининг буюк файласуфи, сиёсатшуноси Никколо Макавелли беш юз йилдан буён шоҳлар китоби сифатида ўқилиб келаётган «Ҳукмдор» асарида шундай ёзади: «Шуни билиш керакки, эски тартибларни янгиси билан алмаштиришнинг ташкил этилиши оғир, амалга ошириш хавфли, натижаси эса гумондир. Ким шундай ишни бошласа уни эски тартиб тарафдорлари — ғазаб билан, янги тартибни хоҳловчилар эса совуққина қаршилайдилар». Макавелли ҳақ. Зеро ана шу қийинчиликларга қарамасдан халқимиз ва унинг доно раҳбарияти оғир ишга қатъий бел боғлади. «Эски тартиб тарафдорлари» қанчалик ғазаб отига минмасин, фитналар, мишмишлар ботқоғига ботмасин, халқимизнинг асрий орзуси амалга ошади. Мустамлака даври сиёсати ҳамма соҳада бизга оғир ва аянчли мерос қолдирганлиги аён. Истиқлол кўмилиб битаёзган қадриятларимиз, илдизига болта урилган маънавиятимизга қайтадан жон ато этмоқда. Биз миллий ўзлигимизга қайтмоқдамиз. Миллий бойлигимиз каби миллий урф-одатларимизни, бир сўз билан айтганда миллий қиёфамизни тикламоқдамиз. Керак бўлса уни қўриқлашга ҳам шаймиз. «Юрт қўрисанг — элинг ўсар, қўримасанг — уйинг тўзар» — дейди халқимиз. Бугунги кунда истиқлол йўлида ҳамманинг бир ёқадан бош чиқариб, аҳил оила бўлиб жипслашуви — даврнинг талабидир. Бирлашган куч енгилмас, деб бекорга айтишмаган. Аҳиллик, тинчлик ва осойишталик истиқлол тақдирини ҳал қилувчи муҳим шартлардир. Бугунги етакчи кадрларда ана шу муҳим шартларни таъминлай оладиган идрок ва фазилатлар бўлиши улар олдига қўйилган асосий талаблардан бири деб биламан.

Тинчлик ва осойишталик тарк этган юртдан файзу-барака кўтарилади.

«Собиқ СССРнинг мустамлака сиёсати барҳам топишида Ўзбекистон Республикасининг салмоқли ҳиссаси бор», — деган баҳо замирида ҳақиқат бор. Собиқ СССРнинг парчаланиш жараёнида Ўзбекистонда кечган ижтимоий-сиёсий воқеаларни бир олиб кўринг-а. Ўзбекистон мустақилликка — истиқлол қуёшига дадил талпинган ва ҳаракат қилганлигини ким ҳам рад эта олади. Тўғри, Ўзбекистон қуролли жангга шайланмаган бўлиши мумкин, бироқ сиёсий жангда тарихда мангу битилиб қоладиган қадамлар ташланганидан кўз юмиб бўладими!

«СССР Президенти» лавозимидан орадан 9 кун ўтиб бизда ҳам Ўзбекистон Президенти лавозими таъсис этилди ва рўёбга чиқди. Сиёсий майдонда бундай «лавозим»лар тўкнашуви осонлик билан кечмаслиги ўз-ўзидан аён. Собиқ СССР ҳудудида «иккинчи президент» лавозими Ўзбекистонда тасдиқ этилганлиги бежизмиди? Бу собиқ СССР Президенти ва КПСС Сиёсий Бюроси салтанатлари бор куч-қудрати билан яшаб ва ўз ҳукмини ўтказиб турган бир жараёнда дунёга келганини унутмаслик керак. Ўзбекистонда Президент лавозимининг таъсис этилиши ва уни сўзда эмас, балки амалда рўёбга чиқарилиши собиқ СССРнинг мустамлака сиёсатига урилган, мустамлака занжирининг муҳим ҳалқасини парчалаган ҳал қилувчи зарбалардан бири бўлди. Бу ҳаракат аслида Ўзбекистоннинг мустақиллик майдонига чиқиш учун кўкрак кериб амалий қадам ташлаганидан дарак берарди. Ахир бу бир мамлакатда икки президент бўлмаслигига аниқ ва дадил ишора эмасмиди?!

СССРнинг собиқ Президенти Михаил Горбачев шу воқеадан озгина кейин иш бошлаган Иттифоқ комсомолларининг съездида даҳдаҳа қилиб сўзлаган нутқида: «Ўзбекистонда бўлаётган воқеаларга тушуниб етолмаяпман! Ҳар бир республика ўз Президентини сайлаб олса, СССРда нечта президент бўлади? Унда СССР Президентининг роли нимадан иборат бўлади?!» — деб савол ташлаган эди. Худди ана шу нуқтадан илҳомланган ўзбекистонлик журналистлардан бири «Правда» газетаси саҳифаларидан бутун иттифоққа жар солганди: «СССРда Президентлар сони кўпайиб бормоқда. Бу кетишда биз президентлар сони жиҳатидан жаҳондаги ҳар қандай мамлакатни қуриб ўтишимиз ва ўзиб кетишимиз турган гап эмиш...

Хўш, бундай дағдағали огоҳлантиришлардан сўнг Ўзбекистон ўз йўлидан ва янгича сиёсатидан қайтдими? Асло! Аксинча, мустақилликкa интилиш жараёнида янги-янги эканлигини назардан қочиришган эди. Улар лабларидан кўпиги сачраб, уни ёмонотлиқ қилишга тушдилар. Ҳатто турмаларда ўтирганлари камерама-камера юриб: «Рашидовга пора берганмиз, десанг— озод қилишади», — дея тарғиб қилишгани бугун ҳаммага аёндир. Шароф Рашидовга «баҳо» бераётган кишилар аввало ўзларининг «баҳо»сини ўйлаб кўришмаганди. Фарғоналик бир гуруҳ халқ депутатлари «Ўзбекистонга тош отманг», деб номланган мақолаларида буни боплаб ва образли қилиб ифодалаб: «Юзта Нишоновдан битта Рашидов чиқмайди!» — деб ёзишганди. Дарвоқе шундай, бир оқил шахснинг ўрнини юзта, мингта нобакор боса олмайди. Тарихда шундай бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Ҳеч бир мамлакат аҳолисининг сони билан машҳур бўлмайди, балки тарихда из қолдирган шахслари, фарзандлари билан таниқли бўлади. Мен Шароф Рашидов фаолиятига узил-кесил баҳо бериш ниятидан йироқман. Қолаверса, Ўзбекистонни чорак аср бошқариб турган бу маҳтарам зотнинг халқ қалбида қанчалик чуқур из қолдирганини бугун кўриб турибмиз. Амир Темур, қолаверса, Шароф Рашидов тақдири ҳам бугун кўҳна ҳақиқатни яна бир бор ёдга солади: вақт одил ҳакамдир, у эртами-кеч ҳамма нарсани ўз ўрнига қўяди!

Ахир биз буюк боболарнинг фарзандларимиз. Буюк Амир Темурнинг шундай ҳикматлари бор: «Лоччиннинг учорга мадори келмаса чумчуққа масхарадир». Оғир турғунлик йилларида ўз халқини имкон қадар ҳимоя қилган ва кўтарган Шароф Рашидовнинг номини ерга уришга интилганларнинг қилғуликларига лоқайд қараб ўтирган халқ бобомиз айтган «учарга мадори йўқ, чумчуққа масхара» оломонга айланди. Ахир халқимиз ўз йўлбошчиларни эъзозлаган. Амир Темурнинг яна бир ҳикматини эслайлик: «Ғаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади». («Амир Темур ўгитлари», Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 1992 йил, 32-бет). Кўраяпсизми, аждодларимиз ўз элини ҳимоя қилиб, бизга қарши қилич кўтарганларни ҳам жасоратини ҳурмат қилиб тан олганлар. Шароф Рашидов душманимиз эмас, халқимизнинг отаси эдику, биз ҳурматни биладиган, ғурурли эл эдик-ку!

Шароф Рашидов қутлуғ номининг тикланиши — минг йиллик анъаналаримизнинг ҳам тикланишидир. Бу иш у улуғ зотга эмас, бизга кўпроқ керак. Уз йўлбошчимизнинг қабрини хўрлашга йўл қўймаганимиз буюк халққа хос иш бўлди. Хайрият, биз уни оқлаяпмиз, ўрнига қўймоқдамиз.

Шароф Рашидов номи оқланиб, тарих саҳифасидан ўз ўрнини олишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг улкан жасорати, ҳаракати беқиёсдир. Чарҳи фалакнинг ўйинини қарангки, Шароф отанинг марҳаматидан тўла баҳраманд бўлган, унинг атрофида айланиб, ялтоқланиб юрганларнинг кўпчилиги отанинг номини ҳаммадан кўпроқ сотдилар. Аммо, эҳтимол, Рашидовнинг марҳаматидан ҳаҳраманд бўлмаган, унинг теварагида айланиб юрмаган, камтарин Ислом Каримов бу номни элга оқлаб берди. Бугун халқимиз Ислом Абдуғаниевичга раҳмат айтмоқда.

Буни қарангки, кўпчилик кеча Рашидовни ёмонлаганлар бугун «пластинкани тескари томонга айлантириб» олдилар — мақташга ўтдилар. Чин кўнгилдан бўлса, раҳмат, қўлимиз кўксимизда. Аммо бу ишни ҳам манфаат илинжида қилаётганлардан огоҳ бўлайлик. Шароф ота бағри кенг инсон бўлган, у номардларни ҳам бугун кечирган бўларди. Бугун айримлар Рашидов душманлари»ни ҳам қидирмоқда. Бу иш— нотўғри. Келинглар, ўчкор бўлмайлик. Буюк шахс баҳонасида ўз ағёрларимиздан қасос олишга интилмайлик. Шароф отани таъмасиз, манфаат илинжисиз оқламоқ керак. Кеча унинг фарзандларини ҳам қувғин қилиб, қисувга олганлар бугун бошини силашга қўл чўзаётирлар. Бундай кишилар ижодкорлар орасида ҳам бор. Унинг китоблари, у иштирок этган фильмлар ёқиб юборилди. Ҳатто катта умид қилган шогирдларидан бири унинг ҳайкалини майдалаш комиссиясига раислик қилди ва бу «ишонч»дан фахрланиб юрди. Бугун ўша тарихий лавҳаларни излаб ҳам тополмаяпмиз. Ахир, бу уят-ку. Шароф ота бошини силаган айрим ижодкорлар бугун ҳам унинг номи оқланишидан хавотирга тушганлар, унинг «ҳаддан зиёд» кўтарилишини ваҳима қиладилар. Аслида улар Шароф Рашидовнинг нодир асарлари яна эл оғзига тушса, биз соҳа қоламиз, деб қўрқмоқдалар, ўз «китобча»ларини чанг босиб қолишидан пайтаваларига қурт тушган. Уларга шуни айтмоқчимизки, Рашидов ҳеч кимнинг ўрнини олмайди, унинг ўз ўрни бор, адабиётимизда ҳам, тарихимизда ҳам, сиёсатимизда ҳам ўз муносиб жойи бор. Ўша жойни олади. Зеро халқимиз шуни истайди.

Гапнинг индаллосини айтганда, вақт ҳаммасини жойига қўяр, халқ ўз баҳосини берар экан. Рашидов номини тепада юрган «дўстлари» бир муддат қоралаганда ҳам, халқ бу гапларга ишонган эмас, у ўз баҳосини абадий дилига тугиб қўйган. Бу бизга сабоқ бўлсин, Шароф Рашидов тақдири — сиёсий ўйинларнинг қурбони сифатида сўнгиси бўлиши керак. Биз энди йўлбошчиларимизни қадрлашга ўрганиб олайлик ва хўрлатиб қўймайлик.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ дастлабки, айтиш мумкинки, оғир ўтиш ва синов даврида халқнинг бошини бириктирадиган, ҳалол, ғурури баланд ва адолатпарвар кадрлар раҳбарликка энг муносиб кишилардир, деб ўйлайман. Зотан, шундай кадргина халқни ўз ортидан эргаштира олади. Халқ билан ишлайдиган раҳбар ҳалол бўлган тақдирдагина у эл ораси да обрў-эътибор топади. Айни пайтда раҳбар шахснинг ғурури сўнмасин, акс ҳолда у элпарвар, юртпарвар ва миллатпарвар бўла олмайди. Раҳбар шахснинг энг муҳим фазилатларидан бири адолатпарварлик бўлиб, у ўз ишини, ҳукм ва қаорини адолат асосига қурмас экан, унинг ҳамма меҳнати зое кетиши мумкин. Чунки, адолатсиз иш — пойдеворсиз иморатга ўхшайди. Ана шундай фазилатли кишилар халқ бошида турмас экан, истиқлолнинг йўли порлоқ бўлмайди. Шундай инсоний сифатларни ўзида мужассамлаштирган раҳбаргина ҳар бир воқеликни, ҳаёт муаммоларини теран ва изчил мушоҳада этади, умумхалқ манфаати йўлида дадил фикр айта олади, ўз фикр-мулоҳазаларини эса қатъий ҳимоя қилиши мумкин. Раҳбар шахснинг иш услуби, дунёқараши ва ўнинг фикр кўлами у бошқараётган жамоага таъсир этмай қолмайди. Ўша жамоанинг дунёқараш кўлами ва иш юритиши маълум маънодир. «Шипшиш» — иғвонинг бир туридир. Халқимиз «иғвонинг — ўмри қисқа» деб бекорга айтмаган.

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантаналарнинг бутун силсиласи бир нуқтага жам қилинар бўлса, унинг асосий хулосаси—туҳмат устидан адолатнинг буюк тантанаси деб айтиш мумкин. Шароф Рашидовдек халқнинг севикли фарзандини, давлат ва жамоат арбобини ҳам умрини аслида «шипшипчи» иғвогарлар еган эди. Бироқ тиригида муддаосига етмаган иғвогарлар марҳум Рашидов билан олишувни фаол давом эттирдилар. Бу борада ақл бовар этмайдиган мудҳиш қабиҳлик юз берди: кеча ўзлари ошкора сиғиниб, этагига намоз ўқиб юрган атрофдаги «тўралар» ва «жўралар» марҳумни гўрдан олиб гўрга солдилар.

Сизни алқаганлар бир халқ,
бир денгиз,
Сизни қарғаганлар —
жўраларингиз.

МУСТАҚИЛЛИК

чумчуққа масхара» оломонга айланди. Ахир халқимиз ўз йўлбошчиларни эъзозлаган. Амир Темурнинг яна бир ҳикматини эслайлик: «Ғаним томонидан бўлган навкар бизга қарши қилич кўтарган бўлса, ўз юртининг туз ҳақини ҳалоллаган бўлади». («Амир Темур ўгитлари», Тошкент, «Наврўз» нашриёти, 1992 йил, 32-бет). Кўраяпсизми, аждодларимиз ўз элини ҳимоя қилиб, бизга қарши қилич кўтарганларни ҳам жасоратини ҳурмат қилиб тан олганлар. Шароф Рашидов душманимиз эмас, халқимизнинг отаси эдику, биз ҳурматни биладиган, ғурурли эл эдик-ку!

Шароф Рашидов қутлуғ номининг тикланиши — минг йиллик анъаналаримизнинг ҳам тикланишидир. Бу иш у улуғ зотга эмас, бизга кўпроқ керак. Уз йўлбошчимизнинг қабрини хўрлашга йўл қўймаганимиз буюк халққа хос иш бўлди. Хайрият, биз уни оқлаяпмиз, ўрнига қўймоқдамиз.

Шароф Рашидов номи оқланиб, тарих саҳифасидан ўз ўрнини олишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг улкан жасорати, ҳаракати беқиёсдир. Чарҳи фалакнинг ўйинини қарангки, Шароф отанинг марҳаматидан тўла баҳраманд бўлган, унинг атрофида айланиб, ялтоқланиб юрганларнинг кўпчилиги отанинг номини ҳаммадан кўпроқ сотдилар. Аммо, эҳтимол, Рашидовнинг марҳаматидан ҳаҳраманд бўлмаган, унинг теварагида айланиб юрмаган, камтарин Ислом Каримов бу номни элга оқлаб берди. Бугун халқимиз Ислом Абдуғаниевичга раҳмат айтмоқда.

Менинг назаримда, кадрлар билан ишлаш борасида кўз илғамас яна бир нозик ва айни пайтда хавфли иллат бор. Бу раҳбар қулоғига «шипшиш» одатидир. Бу «маҳорат»ни эгаллаган кимсалар ундан фойдаланишни ҳам яхши биладилар. Аввало, раҳбарга хуш келадиган гаплар танлашади, унинг соғлиғи, бола-чақаси ва тирикчилик касблари ташвишини қилишади. Салтанатнинг катта ташвишлари орасида кичкинагина оғу — ўз муддаоларини ҳам силлиққина етказиб қўйишади...

Салтанат бор экан, бундай «шипшиш»лар ҳам бўлиши балки табиийдир. Бироқ «шипшув»чилар аслида кимнинг дўсти? Улар нега тўғридан тўғри ва дўстона танқиддан, ошкора сўзлашдан қочадилар? Ҳаёт шуни кўрсатадики, одатда «шипшиган» зотлар доимо ўз йўлига ғов бўлаётган ёки ўз тор мақсадларига хавф солаётган кимсалар ҳақида «ахборот» тўплайдилар. Улар бундай маълумотлар тўплашда оқу қорани ажратиб ўтирмайдилар. Ошкор ва ҳалол йўлда зарба бера олмаган ўз рақибини оёғидан чалса бас. Рақиб устида озми-кўпми қора булутлар айланиб, кўнгилни ғаш қила олса бўлгани. Баъзан рақиб асаби бундай бўҳтонларга дош беролмай портлаши мумкин. Унда жуда соз! Ёки соғлиғи дош бера олмай рақиб юрак санчиғига дучор бўлар. Унда айни муддао ушалади! Кўрдингизми, «шипшипчилар» калтабинлар эмас, улар жуда ҳам муғомбир, «узоқни кўзлаган» шахслардир. Лекин бу адолат тарозусига солганда, калтабин сиёсатнинг индаллосини айтганда, ҳаммасини жойига қўяр, халқ ўз баҳосини берар экан. Рашидов номини тепада юрган «дўстлари» бир муддат қоралаганда ҳам, халқ бу гапларга ишонган эмас, у ўз баҳосини абадий дилига тугиб қўйган. Бу бизга сабоқ бўлсин, Шароф Рашидов тақдири — сиёсий ўйинларнинг қурбони сифатида сўнгиси бўлиши керак. Биз энди йўлбошчиларимизни қадрлашга ўрганиб олайлик ва хўрлатиб қўймайлик.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ дастлабки, айтиш мумкинки, оғир ўтиш ва синов даврида халқнинг бошини бириктирадиган, ҳалол, ғурури баланд ва адолатпарвар кадрлар раҳбарликка энг муносиб кишилардир, деб ўйлайман. Зотан, шундай кадргина халқни ўз ортидан эргаштира олади. Халқ билан ишлайдиган раҳбар ҳалол бўлган тақдирдагина у эл ораси да обрў-эътибор топади. Айни пайтда раҳбар шахснинг ғурури сўнмасин, акс ҳолда у элпарвар, юртпарвар ва миллатпарвар бўла олмайди. Раҳбар шахснинг энг муҳим фазилатларидан бири адолатпарварлик бўлиб, у ўз ишини, ҳукм ва қаорини адолат асосига қурмас экан, унинг ҳамма меҳнати зое кетиши мумкин. Чунки, адолатсиз иш — пойдеворсиз иморатга ўхшайди. Ана шундай фазилатли кишилар халқ бошида турмас экан, истиқлолнинг йўли порлоқ бўлмайди. Шундай инсоний сифатларни ўзида мужассамлаштирган раҳбаргина ҳар бир воқеликни, ҳаёт муаммоларини теран ва изчил мушоҳада этади, умумхалқ манфаати йўлида дадил фикр айта олади, ўз фикр-мулоҳазаларини эса қатъий ҳимоя қилиши мумкин. Раҳбар шахснинг иш услуби, дунёқараши ва ўнинг фикр кўлами у бошқараётган жамоага таъсир этмай қолмайди. Ўша жамоанинг дунёқараш кўлами ва иш юритиши маълум маънодир. «Шипшиш» — иғвонинг бир туридир. Халқимиз «иғвонинг — ўмри қисқа» деб бекорга айтмаган.

Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишланган тантаналарнинг бутун силсиласи бир нуқтага жам қилинар бўлса, унинг асосий хулосаси—туҳмат устидан адолатнинг буюк тантанаси деб айтиш мумкин. Шароф Рашидовдек халқнинг севикли фарзандини, давлат ва жамоат арбобини ҳам умрини аслида «шипшипчи» иғвогарлар еган эди. Бироқ тиригида муддаосига етмаган иғвогарлар марҳум Рашидов билан олишувни фаол давом эттирдилар. Бу борада ақл бовар этмайдиган мудҳиш қабиҳлик юз берди: кеча ўзлари ошкора сиғиниб, этагига намоз ўқиб юрган атрофдаги «тўралар» ва «жўралар» марҳумни гўрдан олиб гўрга солдилар.

Сизни адо қилди тўраларингиз,
Биздан рози бўлинг,
руҳи нотинч зот...

Шоир Муҳаммад Юсуф ўша кунлар руҳини топиб ёза олди, деб ўйлайман. Афсуски, «шипшип»лар ва «иғво»лзр фош бўлаверар экан, муртад иғвогарларнинг ниқоби йиртил

• *Мустақиллик уфқлари*

ЕНГИЛ САНОАТ: КАТТА ДОВОНЛАР САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕНГИЛ САНОАТ ДАВЛАТ УЮШМАСИ БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ У. ИСМОИЛОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Ўктам Қўчқорович, Ўзбекистон Енгил саноат давлат уюшмаси ишчи ва хизматчиларининг Республика Президенти И. Каримовга мурожаатнома йўллаётганларидан хабар топдик. Сиз енгил саноат ходимларининг ушбу ташаббусини қандай изоҳлайсиз?

— Аввало шуни айтишим керакки, бу ҳужжат ўз ўзидан юзага келгани йўқ. Маълумки, ўтган йили Ўзбекистон Президенти И. Каримов Фармонига мувофиқ республика енгил саноат вазирлиги тугатилиб, унинг ўрнида янги уюшма ташкил этилганди. Ўтган бир йил давомида айни ҳукуматнинг ёрдами билан енгил саноат корхоналарида туб ўзгаришлар юз берди.

Тармоқдаги корхоналар ҳўжалик фаолиятини барқарорлаштириш, улардаги бошқарув усулларини такомиллаштириш ва энг муҳими кейинги йилларда биринчи марта маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга муваффақ бўлинди.

Бу йил тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кескин ўсди, пойабзал, тикув ва чиннисозлик тармоқларида ҳам аҳвол яхшиланди, ип газлама ва трикотаж соҳасида эса хом ашё муаммолари ижобий ҳал этилди. Масалан, тўқимачилар шу йилнинг ўн бир ойи давомида планга қўшимча 10 миллион метр газлама маҳсулоти ишлаб чиқардилар. Умуман, уюшма бўйича халқ истеъмоли моллари тайёрлаш ўн бир ойлик режаси 115,3 фоизга бажарилди.

Айни пайтда корхоналарни янги технология билан таъминлаш ва уларни қайта жиҳозлаш ишлари ҳам жадал олиб борилди. 1992 йил бу тадбирлар учун 1 миллиард 762 миллион сўм капитал харажатлар ажратилганди. Ҳозир ушбу маблағга Бўка, Шофиркон, Риштон ва Жондор районларида ип газлама фабрикалари қуриляпти. Боғот районида пахта толасини қайта ишловчи комплекс барпо этилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозим: енгил саноат корхоналарига шахсан Президентимиз ўз кўмакларини аямадилар. Ўзингизга маълум, бозор муносабатларига ўтилаётган шароитда республикада у ёки бу соҳа учун маблағ топиб беришнинг ўзи бўлмайди. Зотан, ҳамма соҳани баравар ривожлантиришнинг имкони ҳам йўқ. Шундай бўлишига қарамай республика раҳбари енгил саноат корхоналари ишлаб чиқаришини янгилаш, уларни замонавий технология билан таъминлаш учун катта амалий ёрдам ва йўл-йўриқ кўрсатдилар. У кишининг кўмаги билан енгил саноат корхоналарига 100 миллион долларлик чет эл ускунаси ва технологияси келтирилди.

Тўғрисини айтганда, енгил саноат корхоналари барқарор фаолият кўрсатишининг сабабларидан бири ҳам шу. Негаки, замонавий технология асосида иш янгичасига ташкил этилгач, сифатли маҳсулотлар тайёрлашга эришиляпти. Сифатли маҳсулотингиз бўлса, табиийки, ўз ўзидан харидор ҳам кўп бўлади. Меҳнатингизга яраша ҳақ ола бошлайсиз. Мана ҳозир бизда ўртача ойлик иш ҳақи 7 минг сўмни, тўқимачилик саноатида 12—15 минг сўмни ташкил этяпти. Ҳатто 15—20 та тўқимачилик дастгоҳини бошқарган ишчиларимиз 25—30 минг сўмдан маош олишяпти.

Энг муҳими республикамиздаги барқарор вазият, Президентимиз И. Каримовнинг меҳнаткаш халқни ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги фармонлари баракали ишлашимизда далда бўляпти. Шу боис ҳам Енгил саноат уюшмаси барча ишчи ва хизматчилари республика раҳбарининг оқилона сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар шароитида ҳаммамиз хоҳ у енгил саноат ходими бўлсин, хоҳ бошқа соҳа вакили шуни тўғри тушунишимиз керакки, республикамиз Президенти атрофида жипслашиб биргаликда ҳаракат қилмасак, юртимизни тараққиётга эриштириш, энг муҳими халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш қийин кечиши мумкин. Бизнинг Президентга мурожаат қилишимиздан ҳам мақсад республикадаги барча соғлом кучларни мустақилликни мустаҳкамлашга, Ўзбекистонни тезроқ иқтисодий қийинчиликлардан олиб чиқиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган даъватдир.

— Дарҳақиқат, даъватингиз ўринли. Зотан, бозор муносабатларига ўтилган ҳозирги шароитда ҳамжиҳат бўлиш ўта зарур. Бугунги кунда тармоқ корхоналари иқтисодий бўҳрондан чиқиш учун қандай чоралар кўрмоқда?

— Биласизми, биз вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида корхоналар раҳбарлари кенгашини ташкил этганмиз. Бу кенгашда хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган барча масалалар маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамкорликда жойларнинг ўзида ҳал қилинмоқда.

Мана биргина хом ашё масаласини олайлик. Илгари бир вилоятдаги корхонани хом ашё билан таъминлаш учун бошқа вилоятдаги корхонага бориларди. Ваҳолонки, ўша ернинг ўзида ҳам ушбу хом ашёни топиш мумкин эди. Ҳозир аҳвол бошқача. Жумладан, енгил саноатда кўпроқ пахта толаси ишлатилишини ҳисобга олиб жойларда янги ип газлама, ип йигирув корхоналари барпо этилмоқда.

Ҳозир енгил саноат корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаш учун энг аввало ишлаб чиқаришни замонавий технология билан таъминлаш ва кадрларни қайта тарбиялаш ишига эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда чет эл фирмалари билан ҳамкорлик қилишга интиляпмиз.

Ҳозир ишбилармонларимиз жаҳон бозорига дадил чиқишяпти. Айни пайтда ўзимиздаги хом ашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб, четга сотиш саъй-ҳаракатлари ҳам бошлаб юборилган.

— Ўктам Қўчқорович, шу ўринда хориж билан ҳамкорлик тўғрисида батафсилроқ тўхтаб ўтсангиз.

— Биз келаси йилдан бошлаб енгил саноат тармоғида бир неча қўшма корхоналарни ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз. Масалан, хориждан келтирилган технология эвазига Тўйтепада трикотаж фабрикаси маҳсулот бера бошлайди. Республика ҳукумати мазкур корхона қурилиши учун 32 миллион долларлик маблағ ажратган.

Шу билан бирга АҚШнинг «Ай-Ти-Ай» фирмаси билан «Супер — Текстил» қўшма корхонасини ишга тушириш ҳам мўлжалланмоқда. Тошкентдаги «Садаф» бирлашмаси қошида Швейцария фирмаси билан биргаликда безак ва совға маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Санам» қўшма корхонаси барпо этилади. Бу ерда йилига 700 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Бир қисм буюмлар хорижга экспорт қилинади.

Яқинда Тошкент пойабзал бирлашмаси жамоаси Буюк Британиянинг «Интернейшнл Холдинг финанс компани» фирмаси билан ҳамкорлик шартномасини имзолади. Келаси йилдан бошлаб бу ерда ҳам 600 минг жуфт пойабзал тайёрлайдиган қўшма корхона ишга тушади. Умуман олганда, ҳозирда енгил саноат корхоналари 20 дан зиёд қўшма корхона очиш ҳақидаги битимни имзолади.

Эндиликда республика ҳукуматининг ёрдами билан чет эл сармоясини енгил саноат ишлаб чиқаришига жалб қилишга ҳаракат қиляпмиз. Бу сармоялар юқорида айтилганидек фақат ишлаб чиқаришни янгилашга, ҳамкорликда қўшма корхоналар ташкил этишга сарфланади.

Яқин келгусида биз маҳсулотларимиз билан катта довон — жаҳон бозори сари йўл оламиз. Очиғи, ҳозирданоқ бундай фикр билдиришимга асос бор. Чунки ишлаб чиқаришни замонавий технология билан янгиласак, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга муваффақ бўламиз. Ўзингизга маълум: республикамиз хом ашёга бой, халқимиз меҳнаткаш. Демак, яқин йиллар ичида иқтисодиётни катта йўлга қўйиш ва шу тариқа жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш учун барча имкониятлар бор.

Суҳбатдошлар:
А. ПЎЛАТОВ,
А. БОЛИЕВ.
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Сиз суратда кўриб турганингиз мана бу отахон умри давомида жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Яхши кунларни ҳам, ёмон кунларни ҳам бошидан кечирган. Улуғ Ватан урушининг даҳшатли йилларида фашистларга қарши мардонавор курашган. Қўриқ ерларни ўзлаштиришда ҳам астойдил меҳнат қилган. Ҳа, Аҳмадали ота Парпиев илғор замондошларимиздан.

Ҳозир у Задарё райони ҳудудидаги чўл ерларни ўзлаштириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ёшларнинг ҳақиқий маслаҳатгўйи. У ёшлар ҳузурида бўлиб, ҳали ҳам уларга ўз тажрибасини ўргатади. Маслаҳатини аямайди. Шу боис у эл орасида қадр-қиммат топган.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ ва Е. БОТИРОВ олган суратлар.

ДЎСТЛИК КЎРГАЗМАСИ

Тошкентда Хитой Халқ Республикасининг Шинжонг—Уйғур мухтор ноҳиясига бағишланган фотосуратлар кўргазмаси очилди. Республика архитекторлар уюшмаси биносининг залига қўйилган рангли фотосуратлар Хитойнинг йирик маъмурий районининг табиати, иқтисодиёти, у ерда яшовчи халқларнинг маданияти, турмуши ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий—маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан ХХР Шинжонг халқ дўстлик жамияти ташкил этди. Кўргазмани Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э. Самандаров билан Шинжонг—Уйғур мухтор ноҳияси сиёсий маслаҳат комитети раисининг ўринбосари Ф. Дазен тантанали вазиятда очдилар.

Кўргазмани очиш маросимида иштирок этган Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэньгуан ЎзА мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Кўргазма ҳам шу жараёнга ёрдам беришига ишончим комил.

Хитой элчихонасига ҳам миннатдорлик сўзларини айтиш мумкин. Республика қизил ярим ой жамиятига ёрдам ўн кунлиги давомида элчихона жамиятнинг жамғармасига икки юз минг сўм пул ўтказди.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ҲОЗИРГИ КУНДА ЎЗИНИНГ САВОБ ЙЎЛИДА ОДАМЛАРГА КЎРСАТАЁТГАН ХИЗМАТИ БИЛАН КЎПЧИЛИККА ТАНИЛГАН

Руҳий дуогўй табиб
Дилбархоним СОБИРЗОДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ МАЙДОНИДА ЖОЙЛАШГАН

АБУЛҚОСИМ МАДРАСАСИДА

ЖУМА ВА ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9.00. ДАН 16.00 ГАЧА ИЛОҲИЙ КУЧЛАР ТАЪСИРИДА ЗИКР-СИНО УСУЛИ БИЛАН

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Бош оғриғи, бел оғриғи, юрак сиқиши, буйракжигар, ошқозон, кўз касалликлари, қандли диабет, тери касалликлари, нафас сиқиши касалликлари билан оғриган беморлар даволаш мобайнида дарддан халос бўладилар.

Булардан ташқари дуо орқали бахт йўли боғланганларга, ҳаётда омади юришмаганларга ҳамда бошқаларга бўлиб ўтган ёки ҳали бўлиб ўтмаган ҳаётий масалалар бўйича ёрдам қилади.

Ҳар бир инсонни олдиндан қаери оғриётганини ёки қандай дарди борлигини айтиб беради.

ДАВОЛАШ МУОЛАЖАЛАРИГА КЕЛИНГ, ШИФО ТОПАСИЗ!

TEKNESLS - INFO фирмаси

Тошкентдаги омборхоналардан таклиф этади:

Компьютерлар, Телефонлар, Телефакслар, Стриммерлар, Лазерли принтерлар, Кичик хисоблаш тармоқлари, Ксерокслар, Сканерлар, Дискетлар, Модемлар, Банкнотларни хисоблаш аппаратларни



Техник хизмат кўрсатиш кафолати берилади

Тошкент, Улуғ Ипак Йўли хиёбони, 63

67-25-57, 67-85-86 FAX (371-2) 54-99-83

Тошкент фармацевтика институти томонидан Турсунова Гулнозга 1989 йилда берилган 7446 РВ 833605 номерли диплом йўқолганлиги туфайли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«П—2» ЛТД масъулияти чекланган жамиятнинг йўқолган думалоқ муҳри ва учбурчак штампи БЕКОР ҚИЛИНАДИ

САБОҚЛАРИ

шу комиссияга раис қилиб белгиланди. Қисқа муддатда минглаб бегуноҳ одамларнинг покиза номлари тикланди, ноҳақ қамоқ жазоларидан озод қилиндилар. Ҳатто ноҳақ жабрланган бир қанча марҳум кишиларнинг покиза номлари ҳам тикланди. Улар орасида Сурхондарё вилояти Сариосиё районидаги собиқ «Коммунизм» агросаноат бирлашмасининг бош директори, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Меҳнат Қаҳрамони, ўн фарзанднинг отаси марҳум Бобомурод Омоновнинг ҳам номи бор эди. Кекса пахтакор «пахта иши» юзасидан айбланиб, турмада жон таслим қилди. Гитлер билан бўлган оғир жангда Ватанига ғалаба билан тирик қайтган жангчи Гдлян жангида қурбон бўлди. «Хўш, марҳум зотни аввал қақшатиб, кейин оқлаш шартмиди?» — дерсиз. Бунга албатта унинг умрига зомин бўлганлар жавоб беришар. Бироқ, муддатидан ва давридан қатъи назар ҳар қандай ноҳақлик йиллар сурони остида тупроққа кўмилиб кетмаслиги керак. Марҳумни ҳаётга қайтариш мумкин эмас экан, унинг покиза номини тиклаш мутлақо зарур. Инсон бутун умр пок ном учун курашади ва интилади. Қолаверса, Бобомурод Омоновдек мўътабар инсоннинг ўнлаб фарзандлари, невара-чеваралари бор. Дўстлари, сафдошлари бор. Бу номга қўнган ҳар қандай ғубор уларнинг ҳам илдиз-илдизини зирқиратади. Ана шуларни ўйлаганда собиқ марказнинг хуружи авжига минган бир паллада Ўзбекистонда «пахта иш»ларининг бекор қилиниши ва минг-минглаб кишиларнинг оқланиши республика раҳбарида фавқулодда жасорат талаб қилганлигига шубҳа йўқ.

Ахир «Биз СССР Прокуратураси раҳбарлари ва хусусан махсус тергов гуруҳининг бошлиғи Тельман Хоренович Гдлян билан қўлни қўлга бериб иш олиб бормоқдамиз. Натижада Ўзбекистондан 58 минг раҳбар кадрлар ўз вазифасидан четлаштирилди. Уларнинг аксарияти жиноий жавобгарликка тортилди. Партиядан ўчирилди», — деб республиканинг собиқ раҳбари Р. Нишонов кўкракка уриб тургани кечагина эмасмиди? Афсуски, шу руҳдаги раҳбарлар ҳам унчалик оз эмасди. Уларнинг атрофида уюшган маҳаллий сотқинлар ожиз бўлишлари мумкин, бироқ орқада «қудратли десант» — Анишчев армияси турарди. Гдлян бошлиқ жазо отряди уларнинг қўлидаги қиличи эди. Маҳаллий сотқинлар орасида уларнинг ўз малайлари, «ахборот»чилари, фахрий оқсоқоллари, ва ҳатто ўз ёзувчи ва журналистлари бор эди.

Ана шундай оғир бир даврда халқимиз пешонасига битилган бахт бўлиб афсонавий қудрат ва жасорат билан ўша пайтда ҳали республикага кенг танилмаган Ислом Каримов майдонга чиқди. Адолатпарвар, ҳалол ва матонатли раҳбар бутун бир халқнинг ва мамлакатнинг бахти эканлигини бугун Ўзбекистон яхши билади. Бутун жамият ва унинг фуқаролари ўз раҳбарига хос ва унинг маънавий оламига мос равишда шакллана боришини биз бугун ўз миқиёсимизда кўриб турибмиз. Мен Республикада сўнгги йилларда бўлган туб ўзгаришларни кўз олдимга келтирар эканман ва бугунги кунни кечаги қайта қуриш даври билан солиштириб кўрганда Муҳаммад пайғамбар ҳадисларидаги ушбу ҳикматли сўзлар ёдимга тушади: «Подшоларингиз одил, бойларингиз саҳий ва ишларингиз бамаслаҳат бўлса сизлар учун ернинг остидан кўра усти афзалроқ. Акс ҳолда ернинг устидан ости афзалроқ».

Тақдир мени Ислом Каримов мактабидан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар этган экан, бундай тақдирдан икки сабабга кўра розиман. Республикада ҳаётнинг бурилиш нуқтасида мамлакат тепасида шундай қатъиятли ва донишманд раҳбар бор бўлганлигидан ва иккинчидан, онгли ҳаётимни ва бутун келажагимни шундай адолатли сиёсатга сафарбар этишга муяссар бўлганимдан.

ДАВЛАТИМИЗ мустақил бўлиб, илк қадамларини қўяётган ҳозирги пайт — бизни синайдиган даврдир. Ҳаммамиз ҳам ҳалол, адолатли, хушёр бўлишимиз лозим. Жойлардаги айрим раҳбарларнинг ноҳақлиги, бир-бирининг оёғидан чалиши, бир қўлини саломга чўзиб, бошқасида тош яшириб юриши халқимизга охир-оқибат қимматга тушади. Тарихда халқимиз бунёд этган кўп буюк давлатлар кўпинча шу аҳиллик йўқлигидан вайрон бўлгани маълум.

Одамлар орасига фисқу фасод гапларни соладиганлардан огоҳ бўлайлик. Халқимиз, давлатимиз тақдирлик. Халқимиз иш юритайлик. Айниқса, бизнинг раҳбар кадрларимиз фисқ-фасоддан йироқ бўлишлари керак. «Ишон — бироқ текшир», — дейдилар донолар. Ҳар бир «маслаҳатгўй»нинг ўз манфаати бўлиши мумкин. Ғийбат, туҳмат гапларга чув тушиб, ваҳима солиш ҳеч кимга ярашмайди. Раҳбар кишиларга бу гап ҳаммадан кўпроқ таллуқлидир.

Республикада янги бошқарув тизими — ҳокимият ва ҳокимлар тизими майдонга келди. Ўзингизга маълум, мустақиллик тақозо этган талаб ва эҳтиёжларга кўра ижтимоий-сиёсий ҳаётда кўпгина янгича ва мустақил қарашлар қарор топди. Ана шунга кўра давлат ва ҳокимият тизимлари ҳам шитоб билан янгиланиб бормоқда. Иқтисодиётда бозор муносабатларининг қарор топиши, бошқарув ҳокимиятини мустаҳкамлаш, икки ҳокимиятчиликни туғатиш ва ҳар бир ишнинг натижаси учун шахсий масъулиятни ошириш мақсадида вилоят, шаҳар ва районларда ҳокимлик лавозими таъсис этилди. Бугунги ҳокимлар ҳаётимизга бозор муносабатлари кириб келган, собиқ Иттифоқ республикалари ўртасидаги иқтисодий алоқалар буткул издан чиққан кун тартибида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар ошиб-тошиб ётган, халқни ижтимоий ҳимоялаш ғоят муҳим заруратга айланган бир шароитда янги вазифаларни қабул қилиб олдилар.

Вилоят, шаҳар, район ҳокимларининг орасида халқнинг, эл-юртнинг чин маънодаги иззат-ҳурматига ва олқишига сазовор бўлган раҳбарлар оз эмас. Улар халқ меҳрини қозониб, эл дуосини олмоқдалар. Бугунги куннинг энг талабчан мезони билан ўлчаганда ҳам уларнинг аксаряти ҳақида фақат илиқ сўзлар айтиш мумкин. Улар халқ билан бирга ёниб, бирга ташвиш чекадилар. Халқнинг дардини ҳам, шодлик ва қувончларини ҳам ўзиники деб биладилар. Элнинг оғирини енгил қилишни фақат хизмат бурчигина эмас, балки инсоний ва ҳокимлик қисмати, деб англайдилар.

Бироқ шу билан бир қаторда халқнинг косасини оқартиришни чўқур англаб етмаган, эл-юрт олдидаги ўз бурчини уддалай олмаётган, сўзи билан иши мос тушмаётган айрим ҳокимлар ва ҳокимият вакиллари ҳам учраб қолмоқда. Сўнгги пайтда уларнинг айримлари халқнинг меҳнати билан ва пешона тери билан етиштирилган пахта ва бошқа харидоргир маҳсулотларни республика ҳудудидан ташқарига чиқариб юборишга ва турли хил савдо ва тижорат ишларига суқулиб кириш каби шубҳали ҳатти-ҳаракатлар қилаётгани ҳақида ҳақли эътирозлар ва сигналлар тушмоқда. Афсуски, бундай сигналларнинг бир қисми Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятларига таллуқли бўлиб, айни пайтда уларнинг бир қисми ўз тасдиғини топмоқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг сўнгги мажлисларидан бирида Ўзбекистон божхоналар хизмати қўмитасининг ана шу усусдаги ташвишли хати муҳокама қилинди ва айбдорларнинг бир қисми жазоланди. Бироқ фактлар таҳлили шуни кўрсатадики, бундай жиноий хатти-ҳаракатларнинг илдизи чўқурроқ томир отган кўринади. Халқимизда яхши отга бир қамчи, деган ибратли нақл бор. Ҳикматли мақоллардан бирида: «Нимани эксанг, ўшани ўрасан», — дейилади. Ҳар бир инсон, модомики, у раҳбар экан, у яхшилик ва ҳалоллик уруғини экиши ҳам қарз, ҳам фарз.

Тўғри, баъзан онги чархланмаган, на у ёқлик — на бу ёқлик, силлиқкина шилимшиқ одамлар ҳам тасодифий ҳолда мансаб зинапоясига чиқиб қолади. Бундайлар ҳақида халқимиз: «Арслоннинг елкасига чиқиб олган қурбақа арслондан ҳам узоқни кўради, аммо унинг кўксида арслон юраги уриб турмайди», деб айтган. Мансабни фақат каландамоғлик, қаллоблик, порахўрлик манбаи деб билганларда арслон қалби йўқ. Бундайларнинг хизматхонасига кирсангиз костюми билан сўрашиб кетгандай бўласиз, ичидаги одамни тополмайсиз.

Илгари вилоят раҳбари ҳам «Москва тасдиғи»дан ўтиши шарт ва шу боисдан раҳбар деган Москванинг кўнглини овлаш билан овора эди. Халқ билан унинг раҳбари ўртасида эса хитой девори турса ҳам бу ҳеч бир раҳбарнинг йўлини тўсолмасди. Ўз эркини қўлга олган ҳар бир юрт ўз тараққиёт йўлига интилади, уни топишга ҳаракат қилади. Жумладан, бизда ҳам жаҳоннинг тараққий этган давлатлари ва уларнинг сиёсий-иқтисодий ва маданий тажрибаларини ўрганишга интилиш катта ва табиий ҳолдир.

Шуни рўйи рост тан олиш лозимки, собиқ СССР тузумида кадрлар сиёсати оғир ва фалаж ҳолатга тушган эди. Бунда мен қўйи бўғинларни айбламоқчи эмасман. Ҳамма бало «балиқ бошидан сасийди», деганларидек, марказнинг ўзидан оқиб келган «намуна»да эди. Маълумки, собиқ СССРда 74 йил мобайнида, яъни ўрток Ленининг ўзидан тортиб, то Горбачевга қадар соғ-омон ўз вазифасидан кечган валломат топилмади. Агар Михаил Горбачевнинг Президентлик вазифасидан «соғ-омон»лик чоғида воз кечиши масаласига келсак, бу сўнгги чора эди, холос. Ҳар бир «биринчи» раҳбар ўзидан олдинги раҳбарнинг ишини давом эттирувчи эмас, аксинча уни батамом инкор этишга, «фош қилишга» тушиб кетарди. Тахти қўпорилганнинг ғўрини ҳам қўпормаса кўнгли жойига тушмайди. Натижада нима бўлди? Раҳбар деган зотнинг обрў-эътибори кетди, элу халқ унинг на эскисига, на янгисига ишонмай қўйди. Турмушдан ва ҳаётдан файзу барака юз ўгирди. Катта арава қаёқдан юрса, кичик аравалар ҳам ўша изга тушиб олишди. Собиқ СССРда бошқача ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ахир юқори ташкилотнинг йўриғисиз қуйи ташкилот нафас ололмасди.

Юқорида таъкидланганидек, бир пайтлар мавжуд бўлган Москва тасдиғи каби Марказнинг барча сарқитлари ва иш услублари бугун тамомила ўтмишга айланган, десам муболаға бўлмайди. Бироқ, ўша ўтмишнинг сабоғи бизнинг ёдимизда. Марказга суянган ҳокимият эмас, балки халққа суянган ҳокимиятни бунёд этиш сиёсати бугунги сиёсатнинг мағзини ташкил этади. Чунки Ўзбекистон Президентининг ўзи муқобил тарзда ўтган умумхалқ сайловининг самарасидир. Жойлардаги ҳокимлар қатори биз Президент девонининг энг қуйи вазифасидан тортиб, ҳокимликлар таркибидаги энг кичик мансабдор шахсларга қадар ҳамма кадрларни халқ орасидаги обрў-эътиборига, иш қобилиятига, ҳалол ва покиза йўлига қараб танлашга эришмоқ учун курашяпмиз. Ана шу боисдан ҳам халқ ичидан етилиб чиққан қобилиятли ёшлар, эл назари тушган кадрлар ҳисобига сафимиз бойиб бормоқда. Етакчи кадрлар халқ билан мулоқотдан узилиб қолмаслигига ҳаракат қиламиз. Эл фарзанди бўлмай элга раҳбарлик қилиб бўлмайди.

Ҳозирги давр иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда ҳал қилувчи давр эканлигидан кўз юмиб бўлмайди. Қўшни республикаларда юз бераётган фожиалардан ҳаммамиз яхши хабардормиз. Беҳуда тўкилаётган қонлар дилимизни ларзага солади. Хўш, Тожикистон, Гуржистон, Арманистон ва Озарбайжон республикаларида бўлаётган мусибат тўфонлари юз бермаслигига кафолат борми? Ўт билан ўйнашаётганлар бизнинг орамизда йўқми? Тожикистондаги қонли тўқнашувларни бизнинг республикага кўчиришни истаб, ўша заҳотиёқ қирғин кечаётган нуқталарда шамолдек пайдо бўлиб, ўзларининг жирканч ва шум ниятларини яширмай-нетмай нутқ ирод қилганлар ҳам Ўзбекистон фуқаросими? Уларни ҳам шу ватаннинг, шу халқнинг фарзанди, деб аташ жоизми?

Ёки собиқ марказ — Москвага ин қўйиб олган, марказнинг мустамлака сиёсати қанотида ҳукм сурган давру даврон ларнинг хумори тутган бир гуруҳ худбин ва аламзада, ўз халқидан ўч олишга интилган қора кучларни ким деб аташ мумкин? Улар халқимиз томонидан аллақачон маънавий жиҳатдан рад этилган фитначилик, сўзбозликни тирилтириш, маънавий ўлган танага жон ато қилиш учун моддий куч-қудратни аямай сарфламоқдалар. Қонун билан сайланган халқ ҳокимиятининг ҳамма бўғинларини қатъий тўриб, ҳимоя қилиш ва уларнинг шаънини топташга йўл қўймаслик қонунчилик зиммасидадир.

Айни пайтда «халқ сайлови»ни ўз манфаатлари йўлларига буриш учун уринадиган кучлар ҳам йўқ эмас. Улар қандай қилиб бўлса-да, раҳбарликни қўлга киритиш, мансаб ўриндиғини эгаллаш учун интиладилар. Бунинг учун турли тоифадаги таниш-билиш, қариндош-уруғчиликни ишга солиш ва содда кишиларнинг кўнглини овлаш йўлидан ҳам қайтмайдилар. Жамиятда юзага келган демократик табиатдан, сайлаш ва сайланиш қонунларининг нозик ўзгаришларидан ҳам бундай кишилар устомонлик билан фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Раҳбарликка бўлган интилиш йўлида одамларнинг тарафма-тараф, қарама-қарши кучларга бўлиниб қолиши, улар орасига адоват уруғининг сочилиши энг хавфли иллатдир. Начора, бизда халқ сайлови эндигина бошланди. Халқ биринчи марта ўз Президентини сайлади. Ажаб эмас, жаҳон сайлов амалиётидан кенг фойдалана бориб, биз вилоят, шаҳар ва район бўғинларида сайлов ўтказадиган кунлар узоқ эмасдир. Бундай сайлов ҳамма жойда ёппасига ўтказилмас, балки. Аммо вазият етилган, соғлом кучлар ташаббусни қўлга олган, тартиб-интизом ва осойишталикка кафолат берилган жойларда бундай сайловлар ўтказишнинг нимаси ёмон? Фақат бундай сайловларни ўтказишни қонун йўли билан амалга ошириш тарафдоримиз. Ўйлаймизки, Ўзбекистоннинг янги Конституцияси бизнинг бу борадаги кўпгина саволларимизга ҳам жавоб беришга қодир бўлади.

Шу билан бир қаторда айтиш лозимки, «халқ сайлови»ни ҳам, «демократия»ни ҳам пеш қилиб, ортига ўз манфаатларини яширган кўнгли кир кимсалар бор. Улар гоҳо очиқ-ойдин: «Менга фалон лавозимни бермасангиз, оппозицияга ўтаман. Жанжал-тўполон қўзғатаман», — дейишгача борадилар. Куни кеча ўзлари раҳбар бўлиб халқ ҳақида қайғуриб маганлар бугун ўзини халқпарвар қилиб кўрсатадилар, оппозиция меҳрини қозонмоқчи бўладилар. Бундайлардан бор бўлса ўша «оппозиция» ҳам эҳтиёт бўлсин. Унга мансаб бермасангиз халқни ҳам, «оппозиция»ни ҳам эсидан чиқаради.

Ҳокимлар, бошқа масъул раҳбарлар тайинланишида биз буни яққол сездик. Ўз гумашталарини йиғиб, тўполон чиқариб мансаб олмоқчи бўлганлар ҳам бор. Улар бир тўда ҳамтовоқларининг илтимосини «халқ фикри», «эл ҳоҳиш-иродаси» деб кўрсатмоқчи бўладилар. Афсуски, раҳбарлар орасида мафиядан, ўғриликдан жирканмайдиганлари топилар экан. Бошқарув тизимига кириб қолган бундай кимсалар «икки она»ни ҳам — ҳам давлатнинг, ҳам мафиянинг «кўкрагини эмишни» орзу қиладилар. Ҳатто улар қиморбозларга алоқаси борлигидан лаблари ёйилиб, мақтанадиган одат чиқардилар. Мансабга канадай ёпишиб: «Агар ишдан бўшатсангиз, мафияни ишга солиб, қон чиқараман», дея тазйиқ ўтказмоқчи бўладилар.

Ишонаманки, халқимизнинг кўзи тийрак, кўриб турибди, бундайларни жиловлаб қўйишга кучи етади. Ахир биз орзу қилиб мустақилликка эришдик, энди миннатсиз нон топганда, уни каззобларга бериб қўймаймиз.

Америкалик ватандошимиз Рўзи Назар шундай ҳикоя қилади: «Мен соғиниб юртга келдим. Мустақилликдан бошим кўкка етди... Меҳмонхонага эса айрим «мухолифчи»лар келиб, мендан ҳокимият ҳақида фикр сўрадилар, норози бўлиб, танқид қилишимни хоҳладилар. Жирканч ўйинингизга бизни тортманг, дегим келади, уларга!». Эвоҳ, биз энди ватандошларимиздан ҳам ўз мақсадларимиз йўлида фойдаланамизми?!

Ватандошларимиз — юртини қўмсаган, меҳри самимий кишилар бўлса, уларнинг муҳаббатларини лойқалатмайлик. Қўйинг, ватан дийдорига тўйишсин.

Қишлоқдаги яқин ўз ота-онасидан бир хабар олмайдиганлар олис ватандошлар»га ғамхўр бўлиб қолдилар. Бу бизга тушунарли ва ачинарлидир.

Бугун Ислом Каримов олиб бораётган оқилона сиёсий йўл тезарагида бирлашсак, элимизни ёруғ кунларга етказамиз. Иккиланишлар бўлмаслиги керак. Хатони кўрсатиб, жаҳонга жар солиш осон. Сиз «жарчи» эмас, хатони тузатувчи бўлинг! Шунда халқ раҳмат дейди. Пойлаб, халққа ҳам, раҳбарга ҳам, ўғрига ҳам — тўғрига ҳам ёқаман, деб ўйлайдиган, у ёнга ҳам — бу ёнга ҳам ўтмай юрган юзсизлардан халққа фойда йўқ.

Оқил ўғиллар, қизлар юртимизни фаровон қилади. Шундай фарзандларни вояга етказиш, уларни қўллаб-қувватлаш, имонли, инсофли, диёнату жасоратли одамларни эъзозлаш — бурчимиздир.

Гуржи адиби Нодар Думбадзенинг «Абадият қонуни» асарида шундай мулоҳаза бор: «Инсон юрагининг вазни унинг ўз вазнидан ўн бора, юз бора оғирроқ экан. Дунёда ўз юрагининг оғирлиги остида юриш ҳам қанчалик оғир. Шунинг учун ҳам сен биродарингга дардини кўтаришинг, у яна бошқаникини кўтариши керак. Шундай бўлсагина ер юзида яхшилик, эзгулик тантана қилади». Ўзбекларда буни оддийгина қилиб «дардкашлик» дейилади. Кўтаринки туюлиши мумкин бўлган бу фикрнинг замиридаги хулоса шуки, дунё остонадан бошланади, жаҳонда ҳақиқат тантана қилиши учун аввало ҳар бир уйда адолат бўлсин, маҳаллада, элда тинчлик бўлсин.

Ҳар бир инсон — айни пайтда бир-бирига замондош ҳамдир. Ватандошлик — бизнинг тақдиримизни бир-биримизга янада қаттиқроқ боғлайди. Дардкашлик эса бизни бир-биримизга қариндош, дўст ва биродар қилади. Оғир юрак юкимизни енгиллатади. Замондош ва ватандош эканмиз, дардкаш ва ҳамфикр бўлайлик!

Мавлон УМУРЗОҚОВ,
Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси, иқтисод фанлари номзоди.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 7. XII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Медуза нимани эшитди!». Мультфильм.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Соғинч».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Санъат олами».
19.50 «Ўзбекистон». Телевизион киножурнал.
20.00 Ҳукумат тадбирлари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси олдидан.
22.00 Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижрочиларининг концерти.
23.30 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум».
19.30 Болалар учун. «Совға».
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Миришкорлар».
20.40 «Билиб қўйган яхши».
20.55 «Лаҳза». Хабарлар.
21.05 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан душанба, 7 декабрь куни «Орбита IV» кўрсатувлари соат 5.55 дан 12.20 гача ЎзТВ I канали орқали олиб кўрсатилади.

● «ОРБИТА IV»

5.55, 9.20, 15.20, 18.20, 21.20— Кўрсатувлар тартиби.
6.00 «Якунлар».
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.25 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси (Франция). 4-серия.
10.25 Футбол шарҳи.
10.55 «Нима! Қаерда! Қачон!».
12.00 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 «Рок-сабоқ».
17.45 «Технодром».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Иқболи кулганда».
19.05 «Доремн». Мультфильм.
19.15 Футбол шарҳи.
19.45 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 4-серия.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Спорт уик-энди».
21.40 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал премьераси. 10-серия.
22.10 «Янги студия» таништиради: «Матбуот-клуби». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «XX аср кадрда ва кадр ортида». Вивьен Ли.
9.45 Параллеллар. «Юзма-юз».
10.00 «Сиз яратган боғ».
10.30 Мульти-пульти.
10.50 Кундузги сеанс. «Оқ Бим Қора қулоқ». Бадиий фильм. 1-серия.
12.25 «ТИНКО» Савдо уйи.
12.30 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.25 «Новаторлар ва консерваторлар».
15.55 «Бадабоки». Мактабгача ёшдаги болалар учун кўрсатув (Франция).
16.15 Мульти-пульти.
16.25 Янгиликлар.
16.40 «Саховат кўрсат».
17.40 «Смирновлар оиласи. Бундан буён қандай яшаш керак?» (Австрия) фильмининг муҳокамаси.
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.30 Эълонлар.
18.35 Душанба куни детектив. «Кукарача». Бадиий фильм.

*

20.10—24.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Сешанба, 8. XII

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Истеъдодларни излаймиз».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театрининг яккахони Асадулла Холиқов куйлайди.
19.50 Сессия кундалиги.
20.00 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Бизнинг интервью».
18.50 «Мусиқали меҳмонхона».
19.30 «Алоқалар ва шартномалар».
20.00 «Бу оқшомда» кўрсатуви саҳифаларида.
21.10 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.40 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 00.40 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 5-серия.
10.25 «Ҳайвонот оламида» (сурдо таржимаси билан).
11.05 «Сэмбо», «Хўтикча». Мультфильмлар.
11.30 «Турмуш икир-чикирлари». Бадиий телесериал. 10-серия.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.25 «Директорлик лавозимига имтиҳон». Телевизион бадиий фильм.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».
15.40 «Адам Смит бойлиги дунёси».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.05 Болалар телевидениеси ассоциацияси. «Менинг жажжи дўстим» (Қозон), «Мўъжиза содир бўлади» (Пенза).
17.45 «Робинзон Кузя». Мультфильм.
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради.
18.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 5-серия.
20.00 «Мавзу».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Бенфика» (Португалия) — «Динамо» (Москва). Португалиядан олиб кўрсатилади.
23.00 А. Никольский қўшиқ ва шеърларини И. Мирошниченко ижро этади.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 «Қор — менинг тақдирим» (Норильск. Яиллар. Одамлар). Кўп серияли телефильм. 1-серия.
10.00 Ишдан бўш пайтингизда. «Қушлар биз билан».
10.15 «Халфана».
10.45 «Пилигрим». Россия саёҳатлар бюроси.
11.30 «Гап-гаштакларни қўмсаб».
12.00 Кундузги сеанс. «Оқ Бим Қора қулоқ». Бадиий фильм. 2-серия.
13.25 Мульти-пульти.
13.35 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

16.00 «Телебиржа».
16.30 «Рост» студияси. «Артзона».
17.00 Янгиликлар.
17.15 Мульти-пульти.
17.25 «Эҳром — жону таним».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезди-нинг иши ҳақида ҳисобот.
23.20 Санъат майдони. «Композитор С. Губайдулина».
00.05 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезди-нинг иши ҳақида ҳисобот.

Чоршанба, 9. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Солижон ота ҳофиз ҳузурида».
8.20 «Най навоси». Бадиий фильм.
9.45 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.15 Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. Ёруғликнинг тўлқин хоссаси.
11.00 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Жуғрофия. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг табиий географик ривожлантирилиши.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Бўрсиқ учун уй». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» устахонаси.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Санъат усталари ижросида концерт.
19.50 Сессия кундалиги.
20.00 Санъат усталари ижросида концертнинг давоми.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 «Спринт».
19.40 «Кулиб боқ, кичкинтой».
20.20 «Йирик планда».
21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.50 «Уй-жойларни хусусийлаштириш».
22.50 «Водиллик келин». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 21.20, 00.35 —Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 6-серия.
10.20 Футбол. УЕФА кубоги. 1/8 финал. «Бенфика» (Португалия) — «Динамо» (Москва). Португалиядан кўрсатилади.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 1-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Ён дафтар».
16.15 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
16.40 Сергий Радонежский ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Астра» ижодий уюшмаси).
17.10 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Давлатлараро «Останкино» телеканали таништиради: «Калина қўшиғи». Черновцидан кўрсатилади.
18.45 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 6-серия.
19.45 Ю. Паничнинг муаллифлик кўрсатуви. «Уйга йўл», «Ўзингиз ҳал қилинг».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 Букер адабий мукофоти Россияда.
21.40 «Веди».
22.20 «Мана... яна Насриддин». Телевизион бадиий фильм.
23.40 Тула Давлат хорининг концерти.
24.00 Янгиликлар.
00.40 Футбол. Чемпионлар лигаси. МАСК—«Глазго Рейнджерс». Германиядан олиб кўрсатилади.

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати билан чоршанба, 9 декабрь куни «Дубль IV» кўрсатувлари соат 15.55 дан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.55 «Сигнал».
16.10 Трансросэфир. «Узоқ Шарқ».
16.55 Янгиликлар.
17.10 Мульти-пульти.
17.25 «Бугунги кунда «Чапақай» зарурми?».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезди-нинг иши ҳақида ҳисобот.

Пайшанба, 10. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 Ер ва диёр тароналари.
8.10 «Сени кутамиз, Темур!». Бадиий фильм.
9.40 Турк тили.
10.10 «Павлово халқ амалий санъати». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика. Бейсик тилининг буйруқлари бўйича амалий машғулот.
11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Рўзғор ташвишлари».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.20 «Саёҳат». Мультфильм.
18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Авазбек Маҳмудов куйлайди.
19.50 Сессия кундалиги.
20.05 «Ер ости бойликлари». Телефильм.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессияси иши ҳақида ҳисобот.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

«ТОШКЕНТ»
СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Театр учрашувлари».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Бу оқшомда».
21.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
21.50 «Пульс». Хабарлар.
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 7-серия.
10.20 Футбол. Чемпионлар лигаси.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Чин инглизча қотиллик». Бадиий фильм. 2-серия.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Телемикст».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
17.00 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар» (давоми).
18.55 «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради: «Жозеф Бальзамо». Кўп серияли бадиий фильм премьераси. 7-серия.
19.55 Николай Озеровга аталган гулдаста (туғилган кунининг 70 йиллигига).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Катта Шимол қаерда!». Телевизион бадиий фильм премьераси (Финляндия).
22.40 Футбол. Чемпионлар лигаси.
23.30 «Останкино» хит-паради. Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Ишбилармон кишилар даври.
8.50 Трансросэфир. «Узига тўқ қишлоқдан репортаж» (Оренбург).
9.15 Инсон ҳуқуқлари куни. «Қонли ҳошияли қора байроқ».
9.40 Ишдан бўш пайтингизда. «Хонаки клуб».
9.55 «Бурда моден» таклиф этади...».
10.25 «Ёпиқ шаҳар».
10.55 «Тилла шпора».
11.25 «Ноктюрн». Видеолавҳа.
11.45 «Сатирикон» студияси. С. Альтов.
12.15 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 110-серия.
13.05 «Рус қўшиғи эса мангу яшайди» (Оренбург шаҳри).
13.50 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.55 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

15.40 «Бозорни ўрганамиз».
16.10 «Рост» студияси. «Тонлабиринт».
16.40 Янгиликлар.
16.55 «Нефть».
17.25 Шундай яшаймиз. «Кечир, қурол...».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезди-нинг иши ҳақида ҳисобот.
23.20 Махсус тижорат хабарномаси.
23.30 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.
24.00 Спорт кўрсатуви.
00.05 Россия Федерацияси халқ депутатлари еттинчи съезди-нинг иши ҳақида ҳисобот.
01.10 «Эдита Пьеха базми».

Жума, 11. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Хоразм гулдасталари» ансамблининг концерти.
8.20 «Шум бола». Бадиий фильм.
10.00 Араб тили.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Оқсиллар биосинтези.
11.00 Болалар учун фильм. «Нега қиш бўлади!».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Судралиб юрувчи ҳайвонлар синфи.
12.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кўргазмани ўғирлаш» Мультфильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Қишда ҳам ёз неъматлари».
19.50 Ҳукумат тадбирлари.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Тижорат хабарлари.
21.00 Ҳазиний таваллудининг 125 йиллиги хотира кечасидан ёзиб олинган концерт.
22.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
22.30 «Ўтган кунлар». Бадиий фильм.
00.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

18.05 «Денгиз саргузашти». Мультфильм.
18.15 «Байкем, Эжем жана биз».
18.30 «Ата журт» телеканали.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Ата-журт» телеканали (давоми).
19.35 «Австралиялик азиз ажи туулуп оскон туурунда».
20.05 «Кун». «Ишкер долбоорунун келечеги».
20.20 «Мелдеш мара моорой».
21.00 Қирғизистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясининг иши ҳақида ҳисобот.

● «ОРБИТА IV»

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 Янгиликлар.
6.35 Эрталабки гимнастика.
6.45 «Тонг».
9.00 Янгиликлар.
9.20 «..16 ёшгача ва ундан катталар».
10.10 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан).
11.00 Николай Озеровга аталган гулдаста (туғилган кунининг 70 йиллигига).
11.50 «Филя». Мультфильм.
12.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс
12.20 «Оқ маликанинг юриши». Бадиий фильм.

* * *

15.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
15.25 «Бридж».
15.50 «Бизнес-класс».
16.05 «Ён дафтар».
16.10 «Майя ариси». Кўп серияли мультфильм.
16.35 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
17.10 «Марказ».
17.50 «Матбуот-экспресс».
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 «Ҳар бир киши ўзи ҳақида».
18.35 «Инсон ва қонун».
19.05 «Волхонкадаги уй». Кўп серияли телефильм премьераси. 9-фильм (якунловчи).
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Детективлар клуби»да Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қиргоққа уриладиган тўлқин чизиғида». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси).
22.55 Катталар учун мультфильм.
23.05 «Мусаввир Жигальцевнинг ёғоч одамчалари». Телефильм.

«ВИД» таништиради:

23.25 «Сиёсий бюро».
00.40 «Музобоз».
01.20 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
01.35 «Авто-шоу».
01.50 «Юлдузли ёмғир». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Эълонлар.
8.25 Ишбилармон кишилар даври.
8.55 «Ватаним менинг».
9.50 «Қадимий қўшиқнинг умри боқий» (Мурманск).
10.15 «Оқ қарға».
11.00 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари.
12.00 Кундузги сеанс. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадиий телефильм. 111-серия.
12.50 «Москва тор кўчаларининг сукунати».
13.20 Ишдан бўш пайтингизда. «Диққат, сувратга олаяпман».
13.35 «ТИНКО» Савдо уйи.
13.40 «Деҳқонларга тааллуқли масала».

* * *

16.10 «Телебиржа».
16.40 «Рост» студияси. «Ун беш ёшли капитан».
17.10 Янгиликлар.
17.25 «Ҳали англанмаган қонунот».
17.55 Эълонлар.

*

18.00—18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.55 «Ниҳоятда таҳликали бўлинма».
19.30 Жума кунлари Уолт Дисней. «Чипс — ҳарбийлар ити». Бадиий фильм. 2-серия.
20.20 «Ҳар бир кун байрам».
20.30 «Океан адмирали». Бадиий фильм (Англия).
21.45 Криминал хабарлар экрани.
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.

*

22.25—01.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Шанба, 12. XII

● ЎзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

*

8.00 «Иван Васильевич касбини ўзгартиради». Бадиий фильм.
9.30 «Шоҳруҳ» клуби.
9.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
10.50 «Алифбо сабоқлари».
11.20 «Эл хизматида».
11.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эргаш Шукруллаевнинг ижодий кечаси.
12.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Билимдон мунажжим». Болалар учун эртак.
13.30 Тижорат канали. «Чўл миришкорлари».
14.10 Уйғун. «Парвона». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

* * *

18.00 «Болалик чоғларимда». Мультфильм.
18.15 Усмирлар учун. «Тенгдошлар».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Баҳодир». Телефильм.
19.50 «Мусиқа жавони».
20.30 «Туркистон» ахбороти.
21.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Ойдин кечалар».
22.00 «Мимино». Бадиий фильм.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

7.00—14.00

* * *

17.00—23.30

● «ОРБИТА IV»

6.35, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби.
6.40 Эрталабки гимнастика.
6.50 Ишбилармон кишининг шанба тонги.
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Спорт-имконият».
9.00 «Марафон-15» — кичкинтойларга».
9.25 Экологик кўрсатув.
9.40 «Уз-ўзингга мадад бер».
10.10 «Шанба куни дастхат».
10.40 «Авиакосмик салон».
10.55 «Мўъжизасиз мўъжизалар».
11.25 «Мусиқий дўкон».
11.55 «Христос ва Антихрист». Беларусь Давлат рус драма театри фильм-спектаклининг премьераси. Муаллиф — Д. Мережковский (театр юбилейига бағишланади).
14.20 «Сиёсат» студияси иқтисодчи М. Фридман иштирокида АҚШнинг «Танлаш эркинлиги» кўрсатувини таништиради. 4-кўрсатув.
14.50 «Матбуот-экспресс».
15.00 Янгиликлар.
15.20 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Германиядан кўрсатилади.
15.50 «Зазеркалье». «Чол ибн Ҳаттоб». Бадиий фильм.
17.20 «АБВГД ЛТД» телесериали. 8-серия.
17.50 «Қизил квадрат».
18.30 А. Миндадзе ва В. Абдрашитов фильмлари. «Хизматкор».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.25 «Аншлаг. Аншлаг. Аншлаг». Владимир Винокур.
22.45 «Фоменко қаерга ғойиб бўлди!». Телевизион бадиий фильм.
24.00 Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 Миллий баскетбол уюшмасининг баскетбол шарҳи.
8.50 Мансаб алифбоси. «Германия йўлларида».
9.15 Ишдан бўш пайтингизда. «ТВ-ателье».
9.30 «Чангалзорларда».
10.00 «Плюс ўн бир» видеоканали.
11.15 «Одимлар». Кўрсатувни профессор Д. Волкогонов олиб боради.
11.55 «Дораэмон». Мультфильм премьераси (Япония). 14-серия.

*

12.10—16.45
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Диллар дилларга пайванд».
2. «ЭКОСАН». Экология ва саломатлик жамғармасининг хабарномаси.
3. «Рангинкамон» (тожик тилида).
4. «Сувора».
5. «Авлодлар».

*

16.45 Чегарасиз футбол.
17.40 «Репортёр».
17.55 Эълонлар.
18.00 Хабарлар.
18.20 «К-2» таништиради: «Абзац».

*

18.30—22.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.00 Хабарлар.
22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 «Пани Мария». Бадиий фильм.
24.00 Телеэкранда — премьера. «Ха-би-асси». Бадиий фильм.

Якшанба, 13 XII

● ЎзТВ I

7.00 Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди.

*

8.00 «Туркистон» ахбороти.
8.30 «Ҳазил». Бадиий фильм.
10.05 «Биргаликда куйлаймиз».
10.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ўзингни эр билсанг».
11.15 «Шеърият дафтаридан».
11.45 «Экран табассуми». Киноконцерт.
12.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Иқбол». Низомий номидаги Тошкент Давлат муаллимлар олийгоҳи талабаларининг мусобақаси.

* * *

18.00 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
18.20 Ўзбек футболининг 80 йиллигига. «Футболимиз фахрийлари даврасида».
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 «Куз манзаралари». Телефильм.
19.30 «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари».
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.00 «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон Республикаси бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Жиззах вилояти.
22.30 «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

9.05—12.00 Қирғизистон телевидениесининг болалар студияси намойиш этади. Программада: «Хуш хабарлар»; «Бобок сенин жомогун»; «Дидар-шоу»; бадиий фильм; мультфильм.

* * *

18.05 «Кичик компаниянинг катта сири», «Вера ва Анфиса ёнғинни ўчиришди». Мультфильмлар.
18.30 Тижорат канали.
19.00 «Ала-Тоо».
19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли бадиий телефильм. 8-серия (рус тилида).
20.30 «Ирларим менин тоолордо». С. Жусуевнинг муаллифлик кечаси.

● «ОРБИТА IV»

6.15, 19.15 — Кўрсатувлар тартиби.
6.20 «Руҳни чиниқтириш».
7.20 «Спортлото» тиражи.
7.35 Халқ оҳанглари.
7.50 Янгиликлар.
8.30 «Эрта саҳарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг охиргиси». Кўп серияли мультфильм премьераси (Франция).
9.00 «Ҳозирча ҳаммаси жойида». Дам олиш кўрсатуви.
9.30 «Тонг юлдузи».
10.20 Мультфильм.
10.30 Футбол. Қитъалараро кубок. «Сан-Паулу» (Бразилия) — «Барселона» (Испания). Япониядан кўрсатилади.
12.00 «Пи» белгиси билан».
12.40 «Қора кўркам от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси. 22-серия.
13.05 «Янги авлод танлайди». «КТВ-1» ҳамда «Франс интернасиональ» канали таништиради:
13.40 «Миф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.50 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

*

14.40 Г. Беседина куйлайди.
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Иш».
15.25 «Ойдаралик дарвиш». Телефильм.
15.35 «Саёҳатчилар клуби».
16.25 «Ҳунарли хор бўлмас».
16.30 «Уолт Дисней таништиради...».
17.20 Эфирда бевосита мулоқот.
18.05 «Мариинскда променад».
19.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.20 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.

Якшанба кинокўрсатувлари

20.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Издан чиққан автобус». Бадиий фильм.
21.50 Москва кино-хит-паради.

*

22.00 «Якунлар».
22.45 «Телелоция».
23.00 «Нима! Қаерда! Қачон!».
00.05 Янгиликлар.
00.20 Теннис. «Катта шлем» кубоги. Ярим финал. Германиядан кўрсатилади.
01.20 «Видеодром».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.00 Хабарлар.
8.20 «Спорт олами «Жиллетт» фирмаси ниғоҳи билан».
8.50 «Юқоридан каромат қилинган...».
9.35 «Калит» кўрсатуви. «1812 йилнинг момақалдироғи».
10.05 «Олти сотих».
10.25 «Кироллиндаги саргузашт». Қўғирчоқ мультфильм. 16-серия.

*

10.55—15.40
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

1. «Қўлни қўлга бериб...».
2. Қардошлик тароналари.
3. «Безнен мирас» (татар тилида).
4. «Интерспорт».
5. «Гулпон». Нукус шаҳрининг 60 йиллигига бағишланади (қорақалпоқ тилида).

*

15.40 «Познер ва Донахью».
16.10 «Ҳайвонот оламида».

*

17.10—20.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

*

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.15 Голливуд классик фильмлари фестивали. «Ун икки милли риф ортида».
21.55 Эълонлар.
22.00 Хабарлар.
22.25 Телевизион тенширувлар бюроси.
23.20 «Орол». Режиссёр Д. И. Карасик.
00.05 Эс-Эн-Си тунги клуби.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз» ҳафтаномасининг 4 декабрь сонидан олинди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан иш олиб бориш — 33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-89, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича 32-26-70.
Навбатчи муҳаррир: А. ПУЛАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топшрилди—22.05. Г—512. № 240. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.